Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 213 (20. 480) • 1989 йил 15 сентябрь, жума • Баҳоси 3 тийин.

● Бу йилги шароитда терим тақдирини машина-механизмлар ҳал қилади. Шунинг учун ҳамма ерда, аввало, терим техникаси тез кунда талаб даражасида ремонтдан чиқарилмоғи, уларни малакали мутахассислардан иборат сифат комиссиялари қабул қилиб олмоғи лозим.

● Барча тадбирлар ичида ғўза баргини тўктириш муҳим аҳамиятга эга. Хўжаликларнинг мутахассислари бу иш амалга ошириладиган майдонлар ҳолатини ҳисобга олган ҳолда дефолиация муддатини тўғри белгиламоқлари керак.

● Пахта терими мавсумини намунали ўтказиб, Ватанга фақат юқори сифатли «оқ олтин» етказиб бериш, терим—транспорт—қабул пункти конвейерининг аниқ, бир маромда ишлашини таъминлаш — ҳаммамизнинг бурчимиз.



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ўзининг 13 сентябрь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида «1989 қишлоқ хўжалик кутилаётган якунлари ҳамда Фрунзе шаҳрида бўлиб ўтган кенгаш асосида область, шаҳар ва район партия комитетларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларини кучайтиришга оид вазифалар тўғрисида»ги масалани тинглади. Республика партия комитетлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, агросаноат органлари амалга ошираётган тадбирлар баҳорнинг ноқулай шароитлари вужудга келтирган салбий оқибатларни бартараф қилишни ва мавжуд ресурсларни қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш учун сафарбар этишни таъминлаганлиги таъкидлаб ўтилди. Агросаноат комплексидаги вазият ҳамон кескин бўлиб қолмоқда.

Бироқ вужудга келаётган аҳволнинг ғоят жиддийлигига қарамай, жойларда ҳосил учун курашнинг якунловчи босқичида қишлоқ хўжалик маҳсулоти нобуд бўлишининг ўрнини қоплаш юзасидан қатъий чоралар кўрилмаяпти. Партия ва совет органлари колхоз ва совхозлар, агросаноат комитетлари ва бирлашмалари раҳбарлари ва мутахассисларининг қишлоқ хўжалик ишларини ташкил этиш ҳамда ўтказишда хотиржамликка берилиб, лоқайдлик қилаётганликларига нисбатан муросасозлик қилмоқдалар, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш юзасидан уларнинг фаолиятига партиявий принципиал баҳо бермаяптилар.

Бухоро, Сирдарё, Қашқадарё, Наманган, Фарғона областларининг катта-катта майдонларида кўсак ялпи очилганлиги кузатилаётган бир пайтда пахта теримига тайёргарлик ва уни ўтказишда сусткашликка мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бундай ҳол ҳосил сифатининг пасайишига ва унинг нобуд бўлишига олиб келади. Шу пайтгача кўпгина хўжаликларда ҳосилни йиғиб-териб олишда пахтакорларни моддий рағбатлантириш масалалари ҳал этилмаган, терим техникасини тайёрлаш тугалланмаган.

Тошкент, Бухоро, Сирдарё, Самарқанд областларининг агросаноат комплекси тармоқларини ривожлантириш учун жавобгар бўлган коммунист раҳбарларига ишдаги жиддий камчиликлар ва улар қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш ҳамда тайёрлашни авж олдириш муҳимлигига етарли даражада сиёсий баҳо бермаётганликлари, шунингдек ем-хашак тайёрлашда анча орқада қолинаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Марказий Комитет Бюроси агросаноат комплексидаги ишларнинг аҳволи учун улар шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирди ва ишда йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш юзасидан узил-кесил чоралар кўриш мажбуриятини юклади.

Бюро мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Социал-иқтисодий бўлими ва Марказий Комитет ҳузуридаги Партия назорати комиссиясининг «Кооперативлар ва аҳолига кредит хизмати кўрсатадиган республика банклари ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги маълумотномаси кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда СССР Уй-жой-социал қурилиш банки (ўртоқ Т. Алматов), СССР Саноат қурилиш банки (ўртоқ Т. С. Азимов), СССР Агросаноат банки (ўртоқ Э. Д. Боқибоев), СССР Жамғарма банки (ўртоқ Д. Ж. Шарипова), СССР Давлат банки (ўртоқ Ш. Ёқубов) — Ўзбекистон республика банклари фаолиятида кооперативларга кредит хизмати кўрсатишда ва аҳолига якка тартибда уй-жой қуриш учун қарз беришда қўпол хатоларга йўл қўйилаётганлиги таъкидланди. Жойларда кооперативларнинг фаолияти устидан назорат, уларга кредит беришнинг белгиланган тартиби муntазам равишда бузилмоқда, кўпинча қарзлар кредит шартномалари тузилмай нақд пул билан берилмоқда, ана шу пул қонунга хилоф равишда кооперативлар ҳисобига ўтказилишига йўл қўйилмоқда. Буларнинг ҳаммаси республикада пулнинг қадрсизланиш жараёнларини авж олдиришга, давлат корхоналари ва жамоат ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлашда кўпинча кечикишларга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси вужудга келган аҳволга сиёсий баҳо бериб, республика банкларининг айбдор бўлган коммунист раҳбарларини қатъий партиявий жавобгарликка тортди. Мазкур масалага оид қарор матбуотда тўла эълон қилинади.

Бюро «Хоразм область партия ташкилотида демократиялаш ва ошкоралик шароитида раҳбар кадрлар билан олиб бориладиган ишни қайта қуриш тўғрисида»ги масалани ҳам тинглади. Хоразм область партия комитети демократиялаш шароитида кадрлар ишини қайта қуриш орқали масъулиятли соҳаларни меҳнаткашлар орасида ишонч қозонган ташаббускор кишилар билан мустаҳкамлашга интилаётганлиги қайд этилди. Областда ўз-ўзини поклаш, кадрлар масалаларини демократик йўл билан ҳал этиш, ишнинг янги форма ва методларини қидириб топиш тажрибасини тўплаш жараёни бормоқда.

Айни вақтда кадрлар билан олиб бориладиган ишларни қайта қуриш суст амалга ошириляпти. Область, шаҳар, район партия комитетлари кадрлар сиёсатини амалий, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал этишга чинакамига бўй-сундириш учун кўпинча эскича ёндашувларга ҳамон амал қилмоқдалар, демократиялаш ва ошкораликдан суст фойдаланмоқдалар. Ошкора муҳокама қилиш, икки ва ундан ортиқ номзоддан бирини сайлаш область, район бўғини раҳбарларига, энг аввало биринчи шахсларга амалда дахл қилмади.

Уларнинг баъзиларида ишга ўзини-ўзи танқид руҳида баҳо бермаслик ва хотиржамлик, тайёрга айёрлик, ташаббусни ва ишларнинг аҳволи учун тўла жавобгарликни ўз зиммасига олишни истамаслик одат бўлиб қолган. Улар воқеаларнинг кескинлашишини ҳамиша ҳам олдиндан кўра билмайдилар. Кўпинча сиёсий ташаббусни қўлдан бой бермоқдалар.

Меҳнаткашлар ўртага қўяётган масалаларга нисбатан расмиятчилик, сансоларлиқ, тўраларча лоқайдлик ҳолатларига ҳамиша ҳам принципиал баҳо бериляпти, деб бўлмайди. Гражданларнинг область партия комитетига юборган хатларининг ҳар тўрттасидан бири жойлардаги раҳбарларнинг нотўғри хатти-ҳаракати билан боғлиқдир. Хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга, қўшиб ёзишга, хўжасизлик фактларига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан талабчан бўлмаслик, уларни жавобгарликдан қутқариб қолиш ҳоллари учрамоқда.

Буларнинг ҳаммаси иқтисодий ислоҳотни, хўжалик ҳисобини, ижара пудратини, кооператив ҳаракатни жорий этишга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Саноатда меҳнат унумдорлиги ошмаяпти, шартнома асосида маҳсулот етказиб бериш барбод бўляпти. Уч йил давомида ва шу йилнинг биринчи ярмида чакана товар оборотини ва пулли хизмат кўрсатиш планлари бажарилмади. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш яхшиланмаяпти. Квартиралар қуриш суръатлари уй-жой муаммоси кескинлигини камайтирмаяпти. Типовой мактаблар, мактабгача тарбия ва медицина муассасалари билан таъминлашда, экология вазиятида кескинлик пасаймаяпти, бу эса натижада партия ва совет органларининг, улар раҳбарларининг омма орасидаги обрўсига путур етказмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси область партия комитети, унинг секретарлари Р. М. Худойбергенова, Л. И. Нетяга ўртоқлар зиммасига вужудга келган аҳволни тузатиш, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг кадрлар ишини демократиялашга оид йўл-йўриқларини қатъият билан амалга ошириш, бугунги кунда раҳбарларга нисбатан қўйилаётган юксак талабларни ҳисобга олиб, ана шу ишнинг шакл ва усулларини тубдан ўзгартириш вазифасини юклади.

Санъаткор зиёлиларнинг ижодий куч-ғайратларини катта ижтимоий аҳамиятга молик ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратишга сафарбар этишда Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларининг ролини ошириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Республика Министрлар Совети билан биргаликда адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги асарлар учун Ўзбекистон ССРнинг Навоий (Низомиддин Мир Алишер Навоий) номли ҳар бири ўн минг сўмдан учта Давлат мукофоти ва Ўзбекистон ССРнинг Ҳамза (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий) номли ҳар бири беш минг сўмдан бешта Давлат мукофотини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Давлат мукофотлари тўғрисидаги низомлар ва Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетининг состави тасдиқланди.

Бюро мажлисида шу йилнинг 23 октябридан 27 октябригача РСФСРнинг Тюмень области маданият кунларини ўтказиш тўғрисидаги, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Юнус Ражабийнинг уй-музейини ташкил этиш ҳақидаги жамоатчилик таклифлари маъқулланди. Республикани социал-иқтисодий ривожлантиришнинг бошқа баъзи масалалари ҳам кўриб чиқилди.

ЕТИЛГАН ҲОСИЛНИ НЕСТ-НОБУД ҚИЛМАЙ, ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛАЙЛИК!

ШОДИЁНА

БУХОРО, 14 сентябрь. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Кеча областнинг жанубий районлари хўжаликлари давлатга пахта топширишга киришдилар. Қоракўл пахта тозалаш заводининг «Ленинград» қабул пунктига биринчи бўлиб Олот район Навоий номли колхозининг Жумадурди Бегиев бошлиқ бригадасида етиштирилган пахта ортилган тележкалар кириб келди.

Бригада дастлабки ҳосилни қабул пунктига олиб келар экан, машина теримига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. 25 сентябрда агрегатларни далага олиб чиқиш кўзда тутилмоқда. Бу йил ҳосилнинг 80 проценти техника ёрдамида йиғиштириб олинади.

Шу куни қабул пунктига пахта топширган «Оқ олтин» «Шарқ юлдузи» колхозлари меҳнаткашлари ҳам мана шундай ниятлар билан яшамоқдалар. 13 сентябрь куни пункт олотлик пахтакорлардан 200 тоннага яқин юқори сифатли хом ашёни қабул қилди.

Шу муносабат билан барча қабул пунктларида ўтказилган кўп кишилик митингларда бухоролик пахтакорлар бу йил она-Ватанни баракали ҳосил билан қувонтиришга аҳд қилганликлари тўғрисида гапирдилар. Областда 1989 йил мўл ҳосилини йиғиштириб олиш тобора қизғин паллага кирмоқда.





ҚИЗИЛ КАРВОНЛАР

Термиз пахта тозалаш заводи коллективи пахтакорлардан янги ҳосилни қабул қилиб олди. Райондаги В. И. Ленин номли, «Намуна», «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари шуносларининг корхонага ҳосилнинг дастлабки тонналарини топширишди.

Суратларда: Қизил карвон шодиёналарда.

И. Хўжаев сурати. ЎзТАГ.

КЎРИК

Ғалаба районида ўтган йили жами пахта ҳосилининг 90 фоиздан кўпроғи машиналар ёрдамида териб олинди. Жорий йилда ҳам район механизаторлари 47 минг тонна пахтанинг 42,3 минг тоннасини «зангори кема»лар билан йиғиштириб олишмоқчи.

Айни пайтда район далаларидаги ҳар туп ғўзада 4—5 тадан пахта очилган. Агар кўкламдаги табиий офат сабабли чигит юз фоиз қайта экилганлигини назарда тутсак пахтакорларнинг нечоғли катта куч-ғайрат сарфлаганликларини тасаввур этиш қийин эмас. Энди навбат дефолиацияга. Ана шу тадбирга тайёргарликни синовдан ўтказиш мақсадида «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозида техника кўриги бўлиб ўтди. Унда район колхоз-совхозларининг ремонтдан чиқарилган дефолиация техникалари мутахассислар томонидан синчиклаб кўздан кечирилди. Кўрик ғолиби деб Дмитров номли колхоз тан олинди. «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхози ва Киров номли колхоз 2-, 3-ўринларга лойиқ кўрилди.

Кўрик баҳона пахта йиғим-теримига тайёргарлик сўнгги бор текшириб кўрилди. Унинг қатнашчилари яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида худди шу масалага бағишлаб ўтказилган кенгаш қароридан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришнинг бирдан-бир йўли терим техникаларидан самарали фойдаланиш эканлигини алоҳида таъкидлашди.

А. МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Мухбиримиз бонг уради*

«Москва» колхозининг устахонасида пахта териш машиналарининг мавсумга тайёргарлиги бўйича район семинари ўтадиган бўлиб қолди.

Маълумот янги-ю аҳвол эскича...

Ўн йилдан буён ўз ҳолига ташлаб қўйилган устахонада қисқа муддат ичида кўп ўзгаришлар бўлди. Пахта териш машиналари ҳам бирмунча яхшироқ созланди. Агар семинар ўтказилмаганда нима бўларди? Хўжалик раҳбарларининг фикридан шу нарса маълум бўлдики, аҳвол илгаригидай қолаверими мумкин эди.

Таажжуб?! Колхоз раҳбарларида кўргазмабозлик, юқори ташкилотларга яхши кўриниш учун ишлаш касаллиги қачон барҳам топади? Кундалик фаолиятда механизаторларнинг қора мойга ботиб, чангга қоришиб меҳнат қилишларидан, уларга оддий техник ва маиший шароит йўқлигидан ташвишланишмайди. Юқоридан кимдир келадиган ёки бирон бир катта тадбир ўтказиладиган бўлиб қолса, уларда тоғни талқон қилгудек куч пайдо бўлади. Кўп нарсада ўзгариш ясалади. Бироқ шуни қайд этиш керакки, бу галги семинардан кейин «Москва» колхози устахонасида маиший аҳвол ўзгарганлиги билан иш шароити аввалгича қолади. Созловчилар ҳамон эски асбоб-ускуналар билан меҳнат қилишяпти. Назаримизда уни замонавийларига алмаштириш учун область миқёсидаги тадбир уюштирилиши зарурга ўхшайди.

«Ўзбекистон» колхозининг бош инженери Т. Раҳимов хушвақ кайфиятда эди. Ахир қувонмай бўладими?! У эрталаб РАПОга бориб, хўжаликдаги 22 терим машинаси тўла созлаб бўлинганлиги ҳақида рапорт бериб келди.

Устахонани айланамиз. Иш қизғин. Кўп терим машиналарининг моторлари очиб ташланган, айримларининг агрегатлари созланяпти, чўткалар қўйиляпти. Ҳали ўндан ортиқ машинага электр ёритгичларини ўрнатиш керак. Хуллас, барча терим агрегатларида нуқсон бор. Унда туғилмаган болага шошилиб исм қўйишга, яъни ремонт ишлари тугади, деб ёлғон рапорт беришга не ҳожат!

— Ҳа, уч-тўрт кунлик иш бор, — дейди бош инженер. — Уларни тўғрилаймиз.

РАПО мутахассислари асл аҳволдан хабардор. Лекин хўжаликлар бирлашмага ёлғон ёки чин маълумот беришаётганлиги билан иши йўқ. РАПОга маълумот керак, қанча баландпарвоз бўлса, шунча яхши. Созловчиларга амалий ёрдам кўрсатиш, агрегатларнинг мукаммал созланишини таъминлаш учун мутахассислар жон койитишмаяпти.

— Бугун эрталаб РАПОнинг етакчи мутахассиси С. Султоновнинг бунга қурби етмас эмиш. Хўш, унда РАПОнинг нимага қурби етади, ўзи? Талаб қилишга келганда улардан ўтар ташкилотлар, мутахассислар йўқ.

Каримовнинг фиғони чиққанича бор. Устахонадаги 22 та пахта териш машинасининг аксарияти тўла ремонт қилинган эмас. Хўжаликнинг далаларида эса пахта саралаб терила бошланди. Эрта-индин навбат механизаторларга келади. Устахонадаги аҳвол эса ташвишланарли. Агар аҳвол шу тарзда қолаверса РАПО кўмак бермаса, кўп машиналар пайкал бошига чиқолмай қолиши ёки далага кириб бироз ишламаёқ яна тузатишга тўғри келиши турган гап.

Янгибозор районида бу йил 178 терим машинаси деҳқонлар оғирини енгил қилиши керак. РАПОнинг маълумотларига қараганда, барча ишлар рисоладагидек кетаётганга ўхшайди. Амалда бўлса, кўп хўжаликларда бунга тўғри келмайдиган ҳолни кўрасиз. Пахта териш машиналари мавсумга соз ва сифатли тайёрланмаяпти ва яна энг ёмони қайта қуришга душман бўлган иллатлар, кўргазмабозлик, рапортбозлик, сифатсизлик, масъулиятсизлик касаллигининг асоратлари бор. Уларга барҳам бермасдан туриб, терим машиналари деҳқонларнинг яқин ёрдамчиси бўлиб қолишига, уларнинг соз ва сифатли ишлашига имконият яратиб бўлмайди.

А. ҚОРЖОВОВ.
Хоразм.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

14 сентябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида матбуот конференцияси бўлди. Ҳозирги босқичда партиянинг аграр сиёсатини амалга ошириш йўллари, республика агросаноат комплексининг долзарб муаммолари ва истиқболлари, хўжалик юритишнинг янги усулларини ривожлантириш, қишлоқ турмушини социал жиҳатдан қайта қуриш матбуот конференциясининг мавзуси бўлди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика давлат Агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. В. Муҳамаджонов, партия, совет органларининг, баъзи районлар хўжаликларининг раҳбарлари оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳузурида сўзга чиқишди.

Матбуот конференциясида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов қатнашди.

(ЎзТАГ).

АМАЛИЙ АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРАЙЛИК

Бразилия Федератив Республикасининг Сеара штати губернатори Тассо Рибейро Жерейссати бошчилигидаги ана шу штат делегацияси Ўзбекистон ССР ҳукуматининг таклифига биноан 13 сентябрь куни Тошкентга келди. Олий мартабали меҳмонни ва унга ҳамроҳлик қилувчи расмий кишиларни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбатда Ўзбекистон билан Сеара штати ўртасида амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш юзасидан ҳар иккала томон конкрет таклифлар айтди. Биздаги қайта қуриш жараёнлари, совет республикаларига аввалгидан кўра кенгроқ мустақиллик берилганлиги ҳамда Бразилияда ҳокимият тепасига ёш сиёсий арбоблар келганлиги, штатларга ривожланиш йўллари ва усулларини танлаб олишда кўпроқ эркинлик берадиган янги Конституциянинг қабул қилиниши Ўзбекистон ва Сеара бевосита алоқаларни йўлга қўйишлари учун имкон беради.

Ғ. Ҳ. Қодиров ҳозирги пайтда Ўзбекистон ССР халқаро савдо-иқтисодий ўзаро муносабатлар тажрибасини жадал тўплаётганлигини меҳмонларга гапириб берди.

Республикада турли мамлакатларнинг фирмалари билан биргаликда ташкил этилган кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар бунинг ёрқин далили бўлиб хизмат қилиши мумкин. Яна бир қанча қизиқарли ва ўзаро фойдали лойиҳалар рўёбга чиқарилиш арафасида турибди.

Т. Р. Жерейссати Сеара штатидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўраб жойлаштириш ва сақлаш фирмасининг Ўзбекистон ССР корхоналари билан ўзаро алоқалари тўғрисида конкрет таклиф киритди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш юзасидан ҳамкорлик соҳасида совет республикаси ва Бразилия штати учун кенг имкониятлар очилмоқда. Мазкур масалани муҳокама қилиш чоғида ҳар иккала томон Сеара штати территориясида қишлоқ хўжалик майдони ташкил этилишини ёқлаб гапирди. Мана шу майдонда Ўзбекистон олимлари ва мутахассисларининг бевосита иштирокида республикада ишлаб чиқилган технология асосида бизда фойдаланилаётган гўзани парвариш қилиш системаси пишиқтирилган бўлур эди.

Учрашув чоғида бошқа кўпгина конкрет таклифлар айтилди. Бу таклифлар Ўзбекистон билан Сеара штати ўртасидаги ҳамкорликни, амалий алоқалар ва мулоқотларни ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги ҳужжатни томонлар имзолаши учун асос бўлиши керак, деган фикрга келинди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

* * *

Шу куни Сеара штатининг губернатори Парадлар хиёбонидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйди, У Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди, СССР Халқлари дўстлиги саройини ва В. И. Ленин номли метрополитенни томоша қилди. Меҳмонлар Р. Р. Шредер номли боғдорчилик ва узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам бўлдилар.

* * *

14 сентябрь куни Бразилия делегацияси Самарқандга сафар қилди. Бу ерда делегация шаҳарнинг тарихий-меъморий ёдгорликлари ва бошқа диққатга сазовор жойлари билан танишди. Меҳмонлар Оқ—Қорадарё гидроузелини кўздан кечирдилар.

* * *

Т. Р. Жерейссати шарафига халқ депутатлари Самарқанд область Совети ижроия комитети номидан нонушта-зиёфат берилди.

Шу куни кечқурун Бразилия делегацияси Тошкентга қайтиб келди.

(ЎзТАГ).

• *Партия турмуши: коммунист масъулияти*

— Шахсан мен жойлардаги кўплаб коммунистларнинг лоқайдлиги, сусткашлиги ва фаолиятсизлигини партиядаги қайта қуриш жамиятда юз бераётган жараёнлардан ортда қолаётганлигининг асосий сабабларидан деб биламан, — деб ёзади бухоролик партия ва меҳнат ветерани, Улуғ Ватан урушн I группа нивалиди Ориф Атоев. — Биз уруш фронтларида, жанг окопларида лоқайдлик, сусткашлик, фаолиятсизликка йўл қўйишимиз мутлақо мумкин эмасди, ҳатто буни тасаввур ҳам этолмасдик. Нега ҳозир коммунистларимизда, бошланғич партия ташкилотларимизда, уларнинг сиёсий етакчиларида революцион жўшқинлик йўқ? Ахир даврimиз партиянинг ўзи бошлаб берган революцион туб бурилиш, янгиланиш, ўзгаришлар даври-ку?!..

ЁНИНГИЗДА ЛОҚАЙД ОДАМ БОР...

Партия ташкилоти ҳаётига, унинг қандай воқеалар билан яшаётганига мутлақо лоқайд қараш, фаолиятсизлик, очиғини айтганда, коммунистларнинг анча-мунча қисмини қамраб олган. Бундай коммунистларни биз одатда «сусткашлар» деб атаймиз. Унга эса айтайлик, худди кун ва тунниг алмашинуви каби кўникиб қолганмиз. Партия ташкилоти гарданидаги «ортиқча юк»ларчи? Уларга қандай қараяпмиз, улар ҳақида нима деяпмиз? Аччиқ ҳақиқат шуки, «ортиқча юк»лар ҳам бизни ортиқча ташвишлантираётгани йўқ. То бирор ишкал чиқмагунча уларни «безовта» қилаётганимиз ҳам йўқ. У ҳолда ҳар жиҳатдан биринчи, бошловчи бўлиши лозим бўлган бошланғич ташкилотларга нима бўляпти? Эътиборсизлик ва фаолиятсизликка фаол коммунистлар (агар ўша ташкилотда бор бўлса) қандай қарашяпти? Шак-шубҳасиз, ҳозир бундай саволлар кўпчилигимизни қийнамоқда. Партия ветеранининг куйиниб ёзган хати туртки бўлиб, сусткашлик, лоқайдлик сабаблари, унинг табиатини ўрганишга уриндик...

— «Лоқайдлар, фаолиятсизлар, сусткашлар дейсизми? Истаганингизча топилади. Ундайлар ҳар бир хўжалик ёки корхона партия ташкилотида бор, — дейди Калинин район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Хайдуров. — Кейинги пайтда биз хўжаликларда «Райком кунлари»ни ўтказишни йўлга қўйганмиз. Унда райкомнинг бутун аппарати муайян бир хўжаликда бўлиб, партия ташкилоти фаолиятини ҳар томонлама цухта ўрганади ва текширади. Пировардида эса амалий ёрдам кўрсатилиб, хато ва камчиликларни тузатиш учун аниқ тавсиялар берилади. Айниқса, ана шундай кунларни ўтказиш чоғида лоқайд, фаолиятсиз, сусткаш коммунистлар, ҳатто партия ташкилотлари яққол аён бўлиб қолди. Шундай ташкилотлардан бири «Москва» совхози...».

Мазкур хўжаликда бўлганимизда партия ташкилоти, коммунистлар икки ой бурун ўтказилган «Райком кунлари»дан ҳеч қандай хулоса чиқариб олмаганликларининг шоҳиди бўлдик. Партия ташкилоти иш плани юзаки тузилган, унинг бажарилиши назорат қилинмайди. 1988 йилги партия йиғилишлари протоколлари йўқ. Коммунистларга партия топшириқлари берилмаган. Маъмурият фаолияти, қабул қилинган қарорлар ижроси, танқидий фикр-мулоҳазалар ва таклифларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш, ёш коммунистлар билан ишлаш каби энг муҳим масалалар ҳам мутлақо эътибордан четда қолган. Партком аъзоларига вазифалар нотўғри тақсимланган. Масалан, В. Комилжонов партком аъзоси, партия ташкилоти секретари ўринбосари бўлгани ҳолда у цех партия ташкилоти секретари ва халқ контроли группаси раиси ҳам этиб сайланаверган. Ваҳолонки, коммунистларнинг 70 фойизи ҳеч қандай партия топшириқларига эга эмас. Коммунистлар аттестациясига ҳам расмиятчилик билан ёндашилган. Аттестациядан ўтувчиларнинг характеристикалари йиғилишларда тасдиқланган, аттестация комиссиясининг иши суст. Хўжалик сутговар фермаси коммунистлари шунчалик лоқайдликка боришганки, аттестациядан шартли ўтказилган А. Агимбетовни цех партия ташкилоти секретари қилиб сайлаб юборишган.

Партия аъзолигига номзодларни саралаш, турли жамоат ташкилотларига раҳбарлик қилиш, умуман партиявий-ташкилий, сиёсий-тарбиявий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Партия ташкилоти ишидаги бундай нуқсонлар эса колхозчилар ўртасида партия комитети ва коммунистлар таъсир кучининг сусайишига сабаб бўляпти.

Район партия комитети коммунистлар ишончини оқламагани учун совхоз партия комитети секретари Й. Жўлтоевни ўз лавозимида, совхоз директори Ж. Кенжабоевни эса партком аъзолигида қолиш-қолмаслиги масаласини очиқ партия йиғилишида кўриб чиқишни тавсия қилган эди. Аммо шунга қарамай, коммунистлар уларни июль ойида ўтган партия йиғилишида яна ўз вазифаларига сайлашди. Биз 1-бригада бошлиги, партком аъзоси Аббос Ҳонимов, бош экономист, коммунист Саидакбар Иброҳимовлар билан суҳбатлашганимизда, улар коллективда, партия ташкилотида маънавий муҳит ёмонлиги оқибатида шундай бўлганлигини айтишди.

Хўш, шу қадар кўп хато ва камчиликларга йўл қўйганига қарамай, коммунистлар нималарга асосланиб, раҳбарларга яна ишонч билдиришди? Ёки юқоридан пинҳона тазйиқ бўлдими? Ундай дейдиган бўлсак, ҳозир демократия, ошкоралик даври. Ишчан, принципиал, ҳалол, етакчини сайлаш коммунистларнинг ўз қўлларида-ку?..

— «Биз колхозимиз 1988 йил кўрсаткичларида бўлган йиллик ҳисобот йиғилишидаёқ Мустафо Қаршибоевнинг бундан буён раислик вазифасини уддалай олмаслигини рўй-рост айтган эдик, — деб ёзади редакцияга Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, Ғалаба районида яшовчи пенсионерлар Тўлеб Исаев ва Темир Пардаев. — Аммо раис яна сайланди. Деҳқончилик учун об-ҳаво жуда қулай келган ўтган йили давлатга пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш планини бажармаган Тошкент областидаги ягона хўжалик ҳам бизнинг Ҳамза колхозимиздир. Бироқ 1989 йил январида М. Қаршибоевни яна лавозимида қолдиришди. Аммо бу йил ҳам хўжаликда ишлар чатоқ. Устига-устак коллективда, партия ташкилотида маънавий муҳит ёмон».

Биз район партия комитетининг биринчи секретари Н. Мадаминов, умумий бўлим мудири У. Атемов, райком партия комиссияси раиси А. Хўжақуловлар билан суҳбатлашганимизда, улар ветеранларнинг фикри тўғри эканлигини тан олишди. Билиб, у меҳнати қадрланмаётганини, социалистик мусобақада ғолиб чиққан бўлсада, мукофотни бошқа бировлар олганлигини, шунингдек, квартира бериш, навбатга қўйишдаги ноҳақликларни сабаб қилиб кўрсатди. Райком партия комиссияси раиси Абдуолим Хўжақулов билан биргаликда сут-товар фермасида бўлиб, Х. Қуроқова билан суҳбатлашдик. Шу нарса аён бўлдики, совхоз партия ташкилоти илғор сут соғувчини партия аъзолигига номзодликка қабул қилгану, кейин уни мутлақо унутиб юборган. Партком секретари Э. Мурсолов, цех партия ташкилоти секретари С. Обидов партия аъзолигига номзоднинг ҳақли эътирозларига қулоқ солишмаган, унинг камчиликларини ҳам кўрсатиб беришмаган.

Энгельс номли колхоз партия ташкилотига шу хўжалик аъзоси Елена Хвандан: «Тез-тез республикадан ташқарига чиқиб тураман. У ёқ-бу ёққа қатнайвериб, партияга фойда келтирмайман. Шунинг учун партиядан чиқаришларингизни, шахсий ишимни менинг иштирокимсиз кўриб чиқишларингизни сўрайман. Ҳар қандай қарорга розиман», деган мазмунда ариза тушган. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози тракторчиси Абдумалик Арзақулов ҳам: «Ҳозирги кун талабига жавоб бермайман, коммунист деган номга номуносибман. Партиядан ўчирилишимга розиман», деб ариза ёзиб берган. Тўғри, уларнинг ҳар иккови ҳам партия ташкилоти билан алоқани узиб қўйишгани, аъзолик бадалларини тўлашмагани, аттестациядан ўтмагани ва ҳоказолар учун партиядан чиқарилдилар. Бироқ шуниси борки, илғор колхозчи Е. Хван бир вақтлар ҳатто райком аъзоси бўлган, А. Арзақулов ҳам меҳнаткаш, оддий трактрочи. Шундай экан, бу ўринда улар билан ўз вақтида яқиндан иш олиб бормаган партия ташкилотларининг айби кўпроқ эмасмикин? Партия комитетлари, уларнинг етакчилари, партком аъзолари аҳволни чуқурроқ ўргандиларми, Е. Хван, А. Арзақулов билан якка тартибда суҳбатлашдиларми? Уларнинг лоқайдлиги ва ғоят масъулиятли ишга юзаки ёндашаётганликлари сабабли сафимизга керакли бўлган кишилардан жуда осонлик билан ажралиб қолмаяпмизми?..

— «Яна бир таажжубланарли жиҳати шунда бўляпти, — деб ёзади ўз хатида Чимкент областининг Сариоғоч посёлкасида яшайдиган партия ва меҳнат ветерани Абдумажид Абдулҳакимов, — биз оддий меҳнат кишисидан чиққан ҳаммасалакларимизни сафимизда сақлаб қолиш учун қаттиқ жанг қилмаяпмиз. Бу ҳам лоқайдлигимизни тасдиқлайди. Партия билан амалда аллақачон алоқасини узиб қўйган, турғунлик ботқоғига маҳкам ўрнашиб олган кишилар сафимизда ҳали ҳам борлигига, улар партия билети билан хайрлашишга асло тошилмаётганликларига бефарқ қараяпмиз. Нега партия ташкилотлари, принципиал коммунистлар айнан мана шундай кимсаларга ўз ҳаётларида ақалли бир мартагина тўғри иш қилишлари учун ёрдамлашиб юбормайдилар. Ахир партия бундан ҳеч нарса йўқотмайди-ку?!».

Тўғри, партия ташкилотлари ҳар жиҳатдан муносиб коммунистлар учун қаттиқ курашишлари керак. Бунинг учун эса энг аввало ўз вазифасига лоқайдлик билан қараш, расмиятчилик, қоғозбозлик иллатларидан батамом халос бўлиш лозим. Бу эса янгиланиш ва қайта қуришнинг энг муҳим талабларидан бири.

О. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбир.

ОРОЛГА ЁРДАМ БЕРАЙЛИК!

Ўзбекистонда Орол ҳаракатининг иккинчи сессияси ниҳоясига етди. Уни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги Орол ва Орол бўйини қутқариш комитети билан республика тинчликни ҳимоя қилиш комитети уюштирди.

Учрашувда олимлар, хўжалик ходимлари, ижодкор зиёлилар, жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар. СССР ва Ўзбекистон Фанлар академиялари, СССР ва республика ёзувчилари уюшмалари, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, давлат ва сув хўжалиги қурилиши комитети, давлат агросаноат комитети, Ўрта Осиё регионидаги кўп ташкилотлар ўз вакилларини сессияга делегат қилиб юбордилар. Сессияга АҚШ, Чехословакия, Франция ва бошқа мамлакатларнинг олимлари ва мутахассислари ҳам келишди.

Сессия доирасида Тошкент ва Нукус шаҳарларида учрашувлар бўлди. Унинг қатнашчилари Орол бўйидаги кўп районларда бўлишди, бир ҳафта давомида партия ва ҳукуматнинг экология фалокати районида табиий муҳитни соғломлаштириш юзасидан шошилинч тадбирлар ҳақидаги қарорлари қандай бажарилаётганлиги билан танишдилар.

Сессия мажлисларида Орол муаммосини бартараф этиш борасидаги аниқ-равшан ишлар партия ҳужжатларида белгилаб берилган суръатлардан анча орқада қолаётганлиги ташвиш билан гапирилди. Бу йил денгизга бир кубометр ҳам сув тушгани йўқ. Экология вазияти яхшиланмаяпти, аҳоли ўртасида ҳамон кўплаб касалликлар келиб чиқяпти. Ичимлик сув манбаларида зарарли аралашмалар миқдори камаймаяпти.

Муаммони ҳал этиш юзасидан таклифлар айтилди. Улар орасида сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, қишлоқ хўжалик структурасини ўзгартириш ва ғўза ҳамда шоли экишни кескин камайтириш, Орол бўйича ихтисослашган институт ташкил этиш каби таклифлар бор. Учрашувнинг баъзи қатнашчилари Сибирь дарёларининг бир қисмини Орол ҳавзасига ташлаш борасидаги лойиҳа-қидирув ишларини тиклаш зарурлигини айтдилар.

(ЎзТАГ).

Унумдорлик ошади

Тўрақўрғондаги қуруқ мевалар тайёрлаш заводида майизни қайта ишлаш ва қадоқлаш бўйича янги линиянинг монтажи тугалланяпти. Янги линия ёрдамида бир соатда 6 тонна майиз қайта ишланади. Маҳсулотлар 100, 250 ва 500 грамм миқдорида қадоқланади. Асбоб-жиҳозлар АҚШда тайёрланган.

Суратда: АҚШ фирмаси вакили Ж. Коннели ва завод монтажчилари В. Ли ҳамда А. Умаров.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

Бизнинг АНКЕТА

Интернационализм ва ватанпарварлик— тараққиётимиз омили

1. КПСС XXVII съезди қарорлари ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси резолюциясида олға сурилган миллий сиёсатнинг ленинча принципларини мустаҳкам қарор топтириш ва ижодий ривожлантириш учун асосий эътиборни, сизнингча, нималарга қаратмоқ керак?

2. Мамлакат яхлит халқ хўжалигини комплексини мустаҳкамлашда интернационализм ва ватанпарварликнинг ўрни қандай бўлиши лозим?

3. КПСС Марказий Комитетининг миллий ва миллатлараро муносабатларга бағишланадиган Пленумига қандай умидлар боғлаяпсиз?

СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ НЕГИЗИ

Шералн ТОШҚУВВАТОВ,
А. Навоий номли Самарқанд давлат университети доценти, тарих фанларн кандидати

1. КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясн ижтимоий ҳаётни қайта қуриш ва демократиялаш жараёнида миллатлараро муносабатларни яхшилашга жиддий эътибор берди. Миллий сиёсатнинг ленинча принципларини мустаҳкам қарор топтириш учун, бизнингча асосий эътиборни бугунги кунда ечимини кутаётган муҳим масалаларга қаратиш керак:

Биринчидан, бошқа соҳаларда бўлганн каби бу соҳада ҳам сўз билан иш бирлиги етишмаяпти. Ҳолбуки, бу бирлик ҳаётий заруратдир.

Иккинчидан, турғунлик йилларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда миллий ва интернационал принциплар бузилган эди.

Ошна-оғайничилик, шахсий садоқат, юртдошлик принциплари миллий сиёсатда ленинча принципларнинг бузилишига олиб келди. Бу бузилишни тузатиш учун эса кадрларимиз онгига, энг аввало, интернационализм ва ватанпарварлик ғояларини сингдириб боришимиз зарур.

Миллатлараро муносабатларда социал адолат принципининг тикланиши ғоят зарур. Бу энг аввало барча миллат ва элатларнинг СССР Конституцияси доирасида берилган имтиёз, ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланишини қарор топтиришимиз зарур.

2. Мамлакат яхлит халқ хўжалик комплексини мустаҳкамлашда интернационализм ва ватанпарварликнинг ўрни алоҳида бўлиши зарур. Чунки мамлакат ягона халқ хўжалиги комплексини вужудга келтириш ва мустаҳкамлашни Иттифоқимиздаги барча миллат ва элатларнинг ҳамкорлигисиз, ўзаро ёрдамисиз тасаввур этиб бўлмайди.

3. КПСС Марказий Комитетининг миллий ва миллатлараро муносабатларга бағишланадиган Пленумидан бутун совет халқи қатори менинг ҳам умидим катта. Миллатлараро муносабатлар соҳасида ҳаёт кун тартибига қўйган барча муаммолар Пленумда ўз ечимини топиши керак.

Кўпмиллатли Ватанимиз СССРда миллатлараро муносабатлар соҳасида ҳам демократия ва ошкоралик вазнятн вужудга келди. Бўлажак Пленум шу янги вазнятни ҳисобга олган ҳолда миллатлараро муносабатлар ва ленинча миллий сиёсатнинг барча халқларимиз манфаатларига мос бўлиб тушадиган янги, ҳозирги замон концепсиясини ишлаб чиқиши лозим.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Туркманистон ва Ўзбекистон халқларининг анъанавий муносабатлари янги мазмун билан бойиб бормоқда. Кейинги вақтларда қўшни республикалар раҳбарларининг учрашувлари мунтазам равишда ўтмоқда. Бу учрашувларда муҳим муаммолар муҳокама қилинмоқда, ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари ҳал этилмоқда.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. О. Ниёзовнинг Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари С. Д. Ниятуллаев бошчилигидаги Қорақалпоғистон АССР делегацияси билан бугун бўлиб ўтган учрашуви ҳам шу фикрнинг тасдиғи бўлди.

Ҳозир қўшни республика аҳолисини қизиқтираётган муаммоларга тўхталиб С. Д. Ниятуллаев Қорақалпоғистон АССРда 80 мингга яқин туркман яшаб турганини айтди. Шу муносабат билан мактабларда туркман болаларига таълим бериш масаласи жуда ўткир бўлиб турибди. Машғулотларни она тилида ўтказа оладиган мутахассислар, дарсликлар етишмаяпти.

Қорақалпоғистон аҳолиси қўшни республиканинг турмушига жуда қизиқиб қарамоқда. Туркманистон телевидениеси бу қизиқишни қондириши мумкин бўлур эди, аммо унинг кўрсатувларини ҳозирча бу ерда томоша қилишнинг иложи йўқ. Ашхобод билан Нукус ўртасида самолётларнинг бевосита қатновини ҳам қайта тиклаш, йўловчилар ташийдиган мунтазам темир йўл қатновини таъминлаш зарур бўлиб қолди.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. О. Ниёзов республикада қайта қуриш қандай бораётганини гапириб берди, туркмэн халқи қорақалпоқ халқи билан вужудга келган яхши қўшничилик муносабатларини юксак қадрлаётганлигини айтди.

Учрашувда иккала халқ учун муштарак муаммоларни ҳал этиш соҳасидаги иш режалари белгиланди. Жумладан, республикаларда яшаб турган барча миллат вакиллари ўртасидаги миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, Орол теварагидаги экология вазиятини соғломлаштириш тадбирлари режалаштирилди.

Г. ОСИПОВ,
Ашхобод.
ТАСС мухбири.

Дунё овози

ОБЪЕКТИВДА — АМЕРИКА

Тошкентдаги маданият-ахборот маркази — «Интурист»да Америка фотографлари асарларининг кўргазмаси очилди. Кўргазмага келган кишилар Америка ва америкаликлар ҳаёти билан, океан орти мамлакатининг табиати, архитектураси, маданияти ва саноати билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Мазкур кўргазма Тошкент билан биродарлашган Сиэтл шаҳри ва Совет маданият фонди Ўзбекистон республика бўлими фотографларини бирлаштирган ошкора муносабатлар уюшмасининг ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Кўргазмага 15 нафар профессионал суратқаш ижоди билан танишиш имконини берадиган олтмишдан ортиқ сурат қўйилган. Уларнинг мавзу, услуб ва бадиий жиҳатдан турли-туман асарларини америкаликлар феъл-атворини ёрқинроқ очишга бўлган интилиш, бизни қуршаб турган дунёга нисбатан бўлган муносабатлар бирлаштириб турибди. Марк Бернз ва Элейн Бликли асарлари кишида ҳам ғамгин, ҳам жўшқин эҳтирос уйғотади. Дейвид Робинзнинг фотосуратлари бошқа бир Американи — саноат Америкасини кўз олдингизда намоён этади. Пэтрик Нейвен асарлари худди ранг-тасвир асарларига ўхшайди. Улар шу даражада жўшқин, фалсафий руҳ билан йўғрилганки, кишини ҳайратга солади. Дэйвид Робинз асарларида экология ва табиатга оқилона муносабатда бўлиш мавзуси ифодаланган. Роберт Лайнз фотосуратларида акс этган болалар эса худди жаҳондаги барча тенгдошлари сингари ерга урса сапчийдиган, шўх ва қувноқ болалардир.

(ЎзТАГ).

ВАШИНГТОНДАГИ УЧРАШУВЛАР

● ВАШИНГТОН, 13 сентябрь. (ТАСС). **Америка Қўшма Штатларига норасмий ташриф буюрган СССР Олий Советининг аъзоси Б. Н. Ельцин сешанба куни Оқ уйда президентнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Б. Скоукрофт билан суҳбатлашди. Шу учрашув чоғида Б. Скоукрофтнинг хонасига президент Ж. Буш кириб келди.**

Оқ уйнинг расмий хабарига қараганда, Ж. Буш билан Б. Н. Ельциннинг 15 минутлик суҳбати чоғида СССР ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар тилга олинган. «Президент», — дейилади ушбу хабарда, — икки томонлама умумий муносабатлар яхши аҳволда эканлиги тўғрисида ўз фикрини айтган. Шу муносабат билан президент Бош секретарь М. С. Горбачев билан жуда яхши муносабатда эканлигига эътиборни қаратган ва қайта қуришни қўллаб-қувватлашини таъкидлаган. Президент М. С. Горбачевнинг Совет Иттифоқидаги ислоҳотлар муваффақиятли тугашига бўлган умидига Америка халқи ҳам қўшилишини билдирди.

Б. Н. Ельцин АҚШ давлат секретари Ж. Бейкер билан ҳам учрашди.

• *Мутахассис масала қўймоқда*

ИСТИҚБОЛГА НАЗАР

ҚАРШИ ШАҲРИДА БИНОКОРЛИК ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Қарши— ҳозирги замон билими, архитектураси ва техникаси асосида тез қад кўтариб, чирой очаётган шаҳар. Ундаги йирик иншоотлар асосан эски шаҳар ўрталарида ҳамда текис майдонларда қурилмоқда.

Шаҳарнинг ҳозирги асосий майдонини ишғол қилган қисмининг шароити мураккаб. Ер сатҳи текис, 50—60 метр чуқурликда ҳам қалинроқ қум ёки шағал қатлами йўқ. Бу асосан сувга тўйинган қумоқ тупроқли тоғ жинси бўлиб, ўзидан сувни секин ўтказади. Бу эса 2—4 метр чуқурликдаги сизот сувлари ҳаракатини секинлаштиради, пастда жойлашган районлар томонига оқиб кетишини қийинлаштиради.

Натижада сизот суви сатҳи тез кўтарилиб, ер юзаси шўрланишига ва иморатларнинг ертўлаларидан сизиб чиқишига олиб келади. Фикримни 1963—1964 йиллардан бошлаб Қаршининг ҳарбийлар шаҳарчаси қисмида, ҳозир эса шаҳар марказий туғуруқхонаси биноси каби бир қанча иморатларнинг ертўлаларидан сув сизиб чиқаётганлиги ва уни чиқариб ташлаш учун кўп маблағ сарфланаётгани исботлаши мумкин.

1961 йил май-октябрь ойларида шаҳар территориясининг ҳозирги область агросаноат комитети идораси ва «Ленинград» меҳмонхонаси майдонларида сизот сувлари сатҳи 8—9 метр чуқурликда эди. Эндиликда эса 2—3 метрдан чуқур эмас. Кўриниб турибдики, сизот сувлари сатҳи йилдан йилга кўтарилиб ,ернинг юзасига яқинлашяпти. Дарахтлар ва экинларни суғориш, шаҳар аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш жараёнида унинг маълум қисми ерга шимилиши сизот сувлари сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлаверади. Натижада ҳозирнинг ўзида шаҳарнинг айрим майдонларида ер юзасини шўр боса бошлади. Бу шаҳар иморатларининг пишиқ-пухталиги ва экологик шароит учун зиёндир. Шунга қарамай ҳозир ҳам шаҳарнинг шу қисмида кўп қаватли иншоотлар қурилмоқда. Шаҳар архитекторлари ва лойиҳачи инженерлар иморатларнинг кўтариб турадиган, пойдеворга асос бўлиб хизмат қиладиган тупроқнинг инженерлик-геология шароитини ва унинг келгусида (30—50 йиллар давомида) қандай ўзгариши мумкинлигини ҳисобга олсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Шаҳарнинг бу қисмида Тошкентдаги каби ўта чуқур табиий дренажлар (зовурлар) йўқ. Қазилиши мумкин бўлган 4—5 метрли «горизонтал» очиқ ёки ёпиқ дренажлар бирмунча фойда бериши мумкин. Лекин бундай зовурларнинг шаҳар ичида бўлиши уларни маълум вақтларда қайта қазиб ремонт қилишни серхаражат юмушга айлантиради. Шаҳарнинг геология ва гидрогеология жиҳатидан тузилиши ва шароити эса вертикаль дренаж йўли билан сизот сувлари сатҳини мунтазам пасайтириб туришни мураккаблаштиради. Ҳозир шаҳарнинг зарур жойларига 70 га яқин тик зовурлар, яъни қудуқлар қазилган ва улар электр насослари ёрдамида ишлаб турибди. Қудуқ ва унинг фильтрларини, насосларни вақти-вақти билан ремонт қилиш, электр билан доимий таъминлаш керак. Агар қудуқлар ишламай қолса, сизот сувининг сатҳи яна ер юзасига яқинлашади.

Шаҳарнинг янги қурилишларини Қашқадарё ўзанининг ўнг қирғоғига — Кўнғир тоғнинг шарқий ва шарқий-жанубий томонларига дарё ўзанидан нисбатан 10—40 метр баланд бўлган майдонга қурилса, бирмунча яхши бўларди. Бу эса Тошкент шаҳрининг Чилонзор, Юнусобод массивлари каби Қарши шаҳри учун янги мавзе бўларди. Шунингдек, шаҳарнинг янги қисми учун истиқоат боғи, Кўнғир тоғ деб номланган баландликнинг усти қисмидан камида 10 — 15 гектар майдонни текислаб ўзлаштириш мумкин. Кўнғир тоғ ва ёнбағридаги қияликларни ҳам ўзлаштириб, болалар учун пионер лагерлари ва бошқа дам олиш зоналари қуриш мумкин.

Агар келгусида Қарши шаҳрида қурилажак иморатлар юқорида кўрсатилган участкаларда барпо этилса, дарё ўзани шаҳарнинг янги қисми учун табиий зовур бўлиб хизмат қилади. Ер ости суви сатҳи юқори кўтарилмаган ва иморатларнинг ертўлаларини сув босмаган, дренажлар қуриш, ремонт қилиб бориш ва уларни доимий ишлатиш учун кетадиган маблағ ва оворагарчиликларга чек қўйилган бўларди. Шунингдек, Кўнғир тоғ баландлигини ўзлаштириш натижасида эски шаҳар территориясидан 20—30 гектар текис майдон тежаларди. Шаҳар учун тавсия этилаётган майдонда зилзила қуввати эски шаҳар майдонига нисбатан ўртача 1 балл кам куч билан таъсир этади.

Лекин ўзлаштиришга тавсия этилаётган участкалар шаҳар қурилиши учун бекаму-кўст эмас. Масалан, 4-участка территорияси асосан сув таъсирида чўкадиган сариғ тупроқсимон тоғ жинсларидан ташкил топган. Тоғ жинсларининг чўкувчанлиги қурилиш учун хавфлидир. Қолаверса, геология даврлар давомида ернинг ички динамик кучлари таъсирида тектоник синиқлар ҳаракатга келиши ва ер қимирлаш кучи бошқа майдонга нисбатан ярим ва бир балл юқорироқ бўлиши мумкин.

Агар тавсия этилган майдонлар ва айтилган мулоҳазалар қисман бўлса-да маъқул деб топилса, бу ерларда батафсил инженерлик-геология текширишлари ўтказиш лозим.

К. ПЎЛАТОВ,
Тошкент политехника институти доценти.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Швециянинг «Галвоур» фирмасининг вакиллари — К. Бренстром ва Х. Теннисбергнинг республикамиз пойтахтига саёҳати шартнома имзолаш билан якунланди. Ўзаро манфаатли шартнома «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан тузилди. Фирма гальваник линияни монтаж қилади.

Янги линия иш шароитини, маҳсулот сифатини яхшилаб, меҳнат унумдорлигини оширади.

Иккала корхона ўртасида имзоланган шартнома СССР ва Швеция мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни бундан буён мустаҳкамлашга ҳизмат қилади.

Суратда: шартноманинг имзоланиш пайти (чапдан ўнгга): ташқи иқтисодий алоқалар завод бюросининг бошлиғи Э. Қориев ва «Галвоур» фирмаси вакиллари К. Бренстром ва Х. Теннисберг.

В. МИЛЕНЬКИЙ суратн. (ЎзТАГ).



ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ

Бу йилги обунанинг ўзига хос хусусиятлари, дастлабки якунлари тўғрисида мухбиримизга Ўзбекистон ССР алоқа министри К. Р. РАҲИМОВ ҳикоя қилади

— Комилжон Раҳимович, ҳозиргина 1990 йил учун вақтли матбуотга обуна юзасидан навбатдаги кенгаш бўлиб ўтди. Бироқ рақамлар қувонарли эмас.

— Дарҳақиқат, шундай. Аммо алоқачилар ва редакцияларнинг куч-ғайратларини мувофиқлаштирсак, обуна кампаниясининг нормал якунланишига умид қилишимиз мумкин. Дарвоқе, бу йил обунани кампания, деб аташ ҳам қийин, чунки обунани йил бошидан бери қабул қилмоқдамиз.

— Лекин уни илгарги йиллардагидан бир ой олдин тамомлайсизлар ҳам.

— Ҳа, 31 сентябрь — барча марказий, республика ва маҳаллий нашрларнинг абонементларини расмийлаштириш учун охирги кундир. Ўз севимли газета ва журналларини келгуси йилнинг биринчи январидан бошлаб олиш ниятида бўлган барча кишилар ана шу муддатдан кечикмай, обуна бўлишга шошилишлари лозим. Амалда бор-йўғи икки ҳафта қолди. Тушунмовчиликлар, ранжишлар бўлмаслиги учун ҳам шу муддатда обуна бўлиб улгурган маъқул.

— Обуна муддати ўтган йилгига қараганда узоқроқ ўтказилганн ва бир ой олдин якунланаётгани сабаби нимада?

— Совет газета ва журналларига обуна қабул қилишга нисбатан барча чекланишларга барҳам берилди. Бундан ташқари, корхоналар, муассасалар, колхозлар ва совхозларга идоравий обунани нашрлар миқдори ва уларнинг тури бўйича молиявий жиҳатдан чекланмаган миқдорда расмийлаштиришга рухсат этилди. Зеро, бугунги кунда матбуот нашрлари қўлма-қўл бўлиб кетмоқда. Шунинг учун ҳам обуначиларга ўзлари истаган нашрни шошилмасдан танлаш, кўпроқ газета ва журналларга обуна бўлиш имконияти йил бошиданоқ яратиб қўйилди. Чунки нашрлар дўконларга кам чиқарилади. Шу боис ҳам обуначилар ўз оила бюджетларига зарар етказмаган тарзда йил давомида аста-секин обуна бўлишлари мумкин. Обунани илгариги муддатлардан бир ой олдин тугаллаш эса алоқа бўлимлари ва «Союзпечать» ходимларига қабул қилинган ҳужжатларни ўз вақтида ва хатосиз қайта кўриб чиқиш, буюртмаларни нашриётларга юбориш, саралаш жадвалларини тузиш, обуна карточкаларини алоқа бўлимларига юбориш ҳамда почтальонлар ишини қабул қилинган обунани ҳисобга олган ҳолда йил бошиданоқ яхши ташкил этиш имкониятини беради. Умуман, булар барчаси техник ишлардир. Аммо шу ишлар бажарилмаса, обуна бўлинган нашрларни ўз вақтида етказиб бериш борасида эътирозлар бўлиши мумкин.

— Булар зарур ишлардир. Уларни ҳал этишга қўшимча бир ой берилиши тўғри. Бироқ одамлар ҳалн йил давомида обуна бўлишга кўникишмаган. Бу ишни кузга мўлжаллаб қўйишади. Ҳозир эса обуна ниқоясига етказилмоқда. Обунани худди илгаригидек, октябрь ойида ҳам давом эттириш мумкин эмасми!

— СССР Алоқа министрлиги бу масалани кўриб чиқмоқда. Лекин ҳозирча фаракки, газета ва журналлар редакциялари ҳам бу борада кўпгина янгиликларни қўлашди. Бир чеккадан гапирай. Обуначиларга қулай бўлиши учун, илгариги йиллардагидан фарқли равишда, бу сафар республика алоқа бўлимларининг кенг тармоғи иш олиб борди. Бу эса «Союзпечать» пунктларидаги тиғизликни пасайтиради, обунани расмийлаштиришда хатоликларга йўл қўймасликка қўмаклашади. Бу йил почтальонлар хонадонларда ҳам обуна ҳужжатларини расмийлаштиришмоқда. Дарвоқе, биз бунинг учун уларни моддий жиҳатдан рағбатлантиряпмиз. Уйда обуна қабул қилганларга обунадан тушган маблағнинг қарийб 4 процентигача бўлган суммани тўлаяпмиз. Бу ишни обуначиларнинг эмас, балки алоқа корхоналарининг маблағлари ҳисобига амалга оширяпмиз. Ҳозиргача уйда обуна қабул қилиш миқдори 300 минг сўмдан ошиб кетди.

43 мингдан зиёд жамоатчи матбуот тарқатувчилар ҳам кўп иш қилишмоқда. «Союзпечать» корхоналари иш якунларига кўра илғорларни рағбатлантиришяпти. Улар «Огонёк» ва «Дружба народов» журналларига иловалар билан тақдирланишмоқда. «Правда» ва «Известия» марказий нашрлари эса илғор жамоатчи тарқатувчиларни тақдирлаб, уларни ўз нашрларига бепул обуна қилишяпти. Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги билан республика газета ва журналларининг редакциялари обуна якунларига кўра жамоатчи матбуот тарқатувчиларни, алоқа бўлимларн ва «Союзпечать», корхона ва ташкилотлар ходимларини тақдирлаш масаласини келишиб олдилар.

— Кечиксиз, гапингизни бўламан, «Совет Ўзбекистони» редакцион коллегияси ҳам газетамизни обуна бўйича энг яхши тарқатаётган кишиларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришга қарор қилди. Шунинг учун ҳам сиздан якунлар сарҳисоб қилингандан сўнг ана шундай чаққон тарқатувчиларни аниқлаб беришни илтимос қиламиз.

— Ўйлайманки, бу жуда тўғри қарор. Биз илғор матбуот тарқатувчиларни аниқлаб берамиз. Ўз нашрларини тарқатувчилар билан ана шундай ўзаро муносабат ҳар бир республика редакцияси учун одат тусига киради, деб умид қиламиз.

Қўшимча тарзда шуни айтишим мумкинки, алоқа корхоналарига ҳам жамоатчи тарқатувчиларни моддий рағбатлантириш ҳуқуқи берилган. Улар обунани қабул қилган кишини у йиғган маблағнинг 1 процентигача миқдорда тақдирлайдилар ва бу «Союзпечать» маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Мазкур тажриба кўпгина қишлоқ районларида жорий этиляпти. 70 сўм ва ундан ҳам зиёд пул билан рағбатлантирилган кишилар бор. Илгари бундай бўлмаган.

— Комилжон Раҳимович, бу ишларнинг ҳаммаси маъқул. Бироқ умуман олганда, обуна ниқоясига етишига икки ҳафта қолган бир пайтда унинг якунлари қувонтирарли эмас. Гап нимада!

— Ҳа, ҳозиргача газета ва журналларнинг ўтган йилги тиражларининг фақат 42 процентн миқдорида обуна қабул қилинди. Тошкент шаҳрида, Тошкент ва Бухоро областларида, Қорақалпоғистонда иш нисбатан яхши бормоқда. Андижон, Сирдарё, Қашқадарё областлари бу борада орқада қолишяпти. Республика газета ва журналларига обуна қилиш 36 ва 44 процентни, марказий газета ва журналларга обуна эса 54 ва 50 процентни ташкил этди. Бу 10 сентябргача бўлган маълумотлар. Ҳозир бироз кўпайган. «Совет Ўзбекистони» газетаси бўйича обуна ўтган йилги тиражнинг сал кам ярмини ташкил этди. Бошқа республика газеталари бўйича эса обуна қилиш кўрсаткичи, болалар ва ёшлар газеталарини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, ҳозирча — 15 ва 35 процентлар оралиғида турибди. «Қишлоқ ҳақиқати» газетасига обуна қилиш ўтган йилги тиражнинг ярмидан кўпини ташкил этди. Гап нимада, деб сўрашингиз мумкин. Аввало, обунанинг кўпайганлиги ҳар қандай республика нашрининг қанчалик қизиқарли ва мазмунли бўлиб бораётгани ҳамда, таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, марказий матбуот билан рақобатлашишга интилаётгани, ўз қиёфаси ва ўз газетхонига эга ёки эга эмаслиги билан боғлиқ, албатта. Агар нашрда ана шундай хусусият етишмаса, бугунги кунда кишиларни мажбуран обуна қилиб бўлмайди, ҳар бир нашрни улар ўз қизиқишларига кўра танлайдилар.

Бироқ обуна камлигининг бошқа сабаблари ҳам бор. Аввало шуни айтиш керакки, биринчи ярим йилликда газеталар ўз нашрларига реклама қилиш ишини суст олиб бордилар. Биз ҳам бу даврда студентлар ва мактаб ўқувчилари, ўқитувчиларни бироз эсдан чиқариб қўйдик. Улар узоқ муддатли таътилларда бўлишди, ҳозир обуначиларнинг ана шу қисми ўртасида обуна тиғиз ёлиб бориляпти. Бюджет ҳисобидан обуна қиладиган корхоналар ҳам сусткашликка йўл қўйишди. Ваҳолонки, бу борада ҳам барча чекланишларга барҳам берилганди. Ҳозир обуна қабул қилишнинг ташкилий жиҳатлари ўтган йилгига қараганда жуда тиғиздир. Аммо шуни айтишим керакки, илгариги йилларда обуна борасида партия, совет ташкилотлари томонидан айрим узилишларгагина йўл қўйилган бўлса, бугунги кунда улар обуна ишини ўз ҳолига ташлаб қўйишди. Ҳолбуки, бундай қилиш нотўғридир. Биз партия комитетларининг фаол кўмаклашишларига умид қиламиз. Ҳозир ҳаммамиз биргаликда бой берилган имкониятларни тиклашимиз керак. Бу эса осон иш эмас. Чунки барча нашрларнинг ўтган йилги бир марталик тиражлари республикада 17 миллион нусхага етган эди, обуна бўйича эса 2 мингга яқин номдаги нашрлар тарқатилмоқда.

— Шу боисдан ҳам алоқа ходимларн ташкилий ишларни кучайтиришлари, биз —журналистлар эса обуначиларни ўз нашрларимизга қизиқтириш учун ҳам ташкилий, ҳам ижодий ишларимизни кучайтирмоғимиз лозим. Шундай эмасми!

— Бусиз бўлмайди. Дарҳақиқат, биз ҳаммамиз обуна жараёнида йўл қўйилган камчиликларни биргаликда таҳлил қилишимиз, бундай нуқсонларга келгусида йўл қўймаслигимиз керак. Обуначилар ҳам булардан хулоса чиқариб олишлари керак. Обунани расмийлаштиришни кузга қолдирмасдан, бу ишни йил бошиданоқ шуғулланиш лозим. Шундай қилинганда, обуначиларнинг қайси нашрларга қизиқишлари олдиндироқ маълум бўлади. Шунингдек, асаббузариклар ҳам, обуна муддатини узайтириш талаблари ҳам бўлмайди.

— Раҳмат! Биз ҳаммамиз бу тартибларни тушуниб оламиз, деб умид қиламан.

• *Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти — 60 ёшда*

Бундан 60 йил муқаддам ташкил этилган В. В. Куйбишев номли «Ҳурмат белгиси» орденли Самарқанд қишлоқ хўжалик институти агрономлик, зооинженерлик, қорақўлчилик, ветеринария, қишлоқ хўжалиги механизацияси ва экономикаси кадрларини тайёрлаш бўйича Ўрта Осиёдаги йирик, етакчи олий таълим масканларидан бирига айланди. 1941 йилда мазкур институт базасида жойлашган К. А. Тимирязев номли Москва қишлоқ хўжалик ва ҳарбий ветеринария академияларининг юқори малакали мутахассислар етказиб беришдаги хизматлари катта. Бу олий таълим даргоҳлари билан алоқаларимиз ҳозир ҳам давом эттирилмоқда.

МАЛАКА, ҲАМКОРЛИК, КАМОЛОТ

Йилдан-йилга равнақ топаётган институтимиз ташкилий жиҳатдан тобора мустаҳкамланиб, юқори малакали педагогик кадрлар камол топмоқда, ўқув-тарбия жараёнлари ҳам такомиллаштирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида колхоз ва совхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш, мавжуд экин майдонларидан унумли фойдаланиб, янги-янги массивларни ўзлаштириш, пахтачиликни химиялаштириш, механизациялаштириш сингари тармоқларни малакали мутахассис кадрлар билан системали равишда таъминлаш талаби ҳамиша биринчи даражали вазифа бўлиб келди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ана шундай ташкилотчи мутахассисларини тарбиялаб етиштириш эса бу тармоқ фаолиятини илмий асосда такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шунинг учун институт педагогик коллективи бу йўналишдаги фаолиятини изчил ва самарали давом эттирмоқда.

Кейинги йилларда институт қиёфаси тубдан ўзгарди: — янги ўқув-ишлаб чиқариш бинолари қад кўтарди, моддий-техника базаси мустаҳкамланди, кафедра, лабораторияларнинг аудиториялар замонавий асбоб-ускуналар ҳамда таълим техникаси воситалари билан жиҳозланди. Натижада агросаноат тармоқларини комплекс ривожлантиришнинг энг муҳим муаммоларини ечиш учун илмий асосланган технология жараёнларини, янги, такомиллаштирилган ишлаб чиқариш-иқтисодий муносабатларни жорий этиш, ердан фойдаланишнинг оила, бригада пудрати ва ижара системаси ишлаб чиқилиб, ўқув жараёнларига сингдирилмоқда.

Талабаларни илмий тадқиқот ишларига жалб этишга алоҳида аҳамият берилаётир. Ҳозирги пайтда студентлар илмий жамияти талабаларнинг 70 фоизини ўз сафида бирлаштириб турибди. Уларнинг кўпчилиги кафедраларда олиб бориладиган тематик илмий ечимларга жалб этилган. Бу тадбир уларни келажакда фанга чуқур кириб бориш учун тўғри йўл танлашга ўргатади.

Кўп йиллик илмий изланишлар натижасида агрономия факультети кафедраларида янги, юқори ҳосилли «Шердор» деб номланган озуқа бугдойи ва «Афросиёб» арпаси яратилиб, районлаштирилди. Бу экинлар интенсив ишлов бериш технологиясига мослашган бўлиб, ҳозирги районлаштирилган навларга нисбатан 6—10 центнер кўп ҳосил беради. Бундан ташқари, «Мароканд» номи билан яратилган янги нав арпани ҳам синовдан ўтказиш тугалланмоқда.

Сўнгги йилларда «Зарафшон» номли картошканинг янги, интенсив тезпишар нави районлаштирилгани маълум. Шунингдек, «Спитамен» навли ўрта пишар картошкаси давлат синовига топширилди. Бу навлардан йилига икки марта ҳосил олиш жараёнлари ишлаб чиқилган.

Яна бир муҳим ечимлардан — тамаки, пахта, беда, сабзавот ва полиз экинларини турли хил зараркунандалардан муҳофаза қилиш мақсадида яратилган интеграцион системасидан фойдаланиш ўз самарасини кўрсатди. Бу илмий ечимларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш туфайли фақат область миқёсида бир миллион сўм атрофида иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

Олимларимиз раҳбарлигида бир неча областларда юқори маҳсулдор қорақўл сурувлари ташкил этилди ҳамда қўзиларни танлаш, саралаш, парвариш қилишни такомиллаштириш жараёнлари устида иш олиб борилмоқда. Жумладан, Томди районидаги «Оёққудуқ», Конимех районидаги «Шофиркон» қорақўлчилик совхозлари товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжаликдан наслчиликка айлантирилди.

Бу тадбир хўжаликка фақат қорақўл тери етиштиришдан йилига 200 минг сўмдан ортиқ қўшимча даромад келтираётир. Шунингдек, Фориш районидаги Киров номли, Бахмал районидаги «Сангзор», Муборак районидаги «Муборак», Советобод районидаги «Каттақўрғон» ҳамда эчкичиликка ихтисослаштирилган «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» синғари совхозларда ҳам олимлар билан чорвадорларнинг ҳамкорлиги кутилган натижаларни бераётир.

Ветеринария факультети кафедраларида олиб борилаётган тадқиқот ишлари ҳам диққатга сазовор. Улар ҳайвонларда кенг тарқалган турли инфекцион, инвазион ва юқумсиз касалликларга қарши курашиш чора-тадбирлари ва янги технологик жараёнлар воситаларини юзага келтиришга қаратилган.

Институтнинг иқтисодчи олимлари ижара ва оилавий пудрат асосида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш тартибини ишлаб чиқидилар. Ўқув жараёни ва илмий ишлаб чиқариш комплекси ташкил этилиб, унинг таркибига 10 та қишлоқ хўжалик корхонаси ва илмий муассасалар, жумладан, институтнинг ўқув-тажриба хўжалиги ҳам киритилди. Бунда студентларимиз дала-деҳқончилик ва чорвачилик фермаларида ўқув материали бўйича тажриба ўтказганда, танланган мутахассислик бўйича тажриба орттириш билан бирга илмий хулосаларни ҳаётга тадбиқ этишда хўжаликнинг илмий-техник жиҳатидан янгиланишига фаол иштирок этадилар. Шу жиҳатдан ёш мутахассислар етиштириш ва илмий ечимларни синовдан ўтказишда ўқув-тажриба хўжалиги муҳим роль ўйнайди. Бу ерда пудрат асосида иккита илмий ишлаб чиқариш звеноси ташкил этилди. Унинг таркибида студентлар ҳам бор. Улар 100 гектар суғориладиган майдонда институтда яратилган бошоқли экинлар уруғини ишлаб чиқаришмоқда. Натижада фан билан амалиёт ҳамкорлиги туфайли галланинг интенсив «Шердор», «Афросиёб», «Мароканд» навларидан юқори ҳосил олиниб, бошоқли экинлар етиштиришнинг тўла технологияси ўрганилди.

Эришилган ютуқларни ҳам, йўл қўйилган камчиликларни ҳам сарҳисоб қилаётган институтимиз коллективи ўқув-тарбия жараёнларини илмий ишлаб чиқариш билан уйғунлаштириш асосида қишлоқ хўжалиги учун малакали, етук мутахассис кадрлар етказиб бериш ҳамда қишлоқ хўжалик фани ва амалиётини ривожлантиришда барча куч ва имкониятларни сафарбар этаверади.

С. ЮСУПОВ,
илмий ишлар бўйича ректор ўринбосари, доцент.

ИШЧИ НАЗОРАТИ — АМАЛДА

СОЦИАЛ АДОЛАТ ПРИНЦИПИ

Олмалиқ шаҳрида янги жамоат ташкилоти — ишчи назорати шаҳар инспекцияси ишлай бошлади. Инспекция ходимлари озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарлар тақсимланишида соцнал адолат принципига оғишмай риоя этилишини ўзларининг асосий вазифалари деб ҳисоблайдилар.

Улар савдо соҳасида турли тартибсизликларни аниқлаш юзасидан собиткадам иш олиб бориш ниятидалар.

Инспекцияга доимий ишлайдиган ўнта комиссия киритилган. Уларнинг ҳар бири йирик саноат корхонасига бириктириб қўйилган, партия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари биргаликда ишлаб чиққан график асосида иш олиб боради. Табиийки, аҳолидан тушган сигналлар асосида пландан ташқари текширишлар ҳам ўтказилади.

Ташкил қилинган комиссия яна бир усти ялтироқ, ичи қалтироқ, қуруқ савлатнинг ўзи бўлиб қолмасмикан, илгари кўп марталаб бўлганидек, юлдузни бенарвон урадиган савдо ходимлари унинг бурнидан ип ўтказиб етакламасмикан?

— Асло ундай бўлмайди, — деб ҳисоблайди комиссия раиси Л. Журбенко. — Бизнинг бутун ишимиз кенг ошкоралик принципларн асосида олиб борилади. Бизда қайси база қанча мол олганлиги тўғрисида маълумотлар бор ва биз уларнинг қандай тақсимланаётганлигини назорат қилиб бораяпмиз. Бизнинг асосий мақсадимиз — Олмалиқ саноат корхоналари ва ташкилотларидаги назоратчиларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириб туришдир. Бу навбатдаги тадбир эмас, балки узоқ муддатга мўлжалланган ишдир. Зотан, токи тақчиллик бор экан, ҳамёнини қаппайтиришга уринадиганлар ҳам топилаверади.

Инспекция ходимлари шаҳар савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини ўз назоратлари остига олиш билан чекланиб қолмадилар. Улар Олмалиқ кон-металлургия комбинати ишчилар таъминоти бўлимининг, область матлубот кооперацияси бўлинмаларининг фаолиятини текширмоқдалар. Халқ назоратчилари шаҳар аҳолисини аниқланган тартибсизликлар тўғрисида ҳар ойда «Алмалиқский рабочий» газетаси саҳифалари орқали хабардор қилиб бориш ниятидалар.

(ЎзТАГ).

ИДОРА БЎШАТИЛАДИ

Бойсун районидаги «Кўргонча» совхози маъмуриятининг идораси шу хўжалик касалхонасига айлантириладиган бўлди. Область соғлиқни сақлаш бўлимининг бу таклифини маъмурият маъқуллади. Идора эса амбулатория биносига кўчиб ўтади. Идора биноси тез кунда таъмирланиб, касалхонага айлантирилади.

Совхозда малакали врач кадрлар етишмайди. Шунга ўхшаш бир қанча муаммолар бўлишига қарамай, аҳоли ҳозирча яратилган бу қулайликдан мамнун.

И. АҲМЕДОВ.

НАМУНА КЎРСАТИБ

ЗОМИН. Райондаги жамоатчи обуна тарқатувчилар уюшқоқлик ва ташаббускорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Бошланғич партия ташкилотларида партиявий нашрларга обуна қилиш яхши йўлга қўйилган. Шу туфайли «Совет Ўзбекистони» газетасига ҳозиргача 2312 киши ёзилган. Бу ўтган йилги якуний рақамдан анча кўпдир. «Правда Востока» газетасига обуна тўплаш эса 85 фоиздан ошиб кетди. Район марказий шифохонаси, автомобиль йўлларидан фойдаланиш участкаси, «Қизил чорвадор» ва «Ғалаба» совхозларида аҳолини газета ва журналларга обуна қилиш, айниқса яхши ташкил этилган. Районда обуна қизғин давом этмоқда.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *XIV Менделеев съездида*

ХИМИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ

Тошкентда умумий ва амалий химияга бағишланган XIV Менделеев съезди ўз ишини давом эттирмоқда. Съезд мажлисларидан ташқарида — анжуман қатнашчилари билан Ўзбекистон пойтахтининг илмий муассасалари, олий ўқув юртларида ўтказилаётган учрашувларда ҳам қизғин ва манфаатдорлик билан фикрлашувлар ҳамда илмий ахборотларни ўртоқлашиш давом этмоқда.

Менделеев съезди доирасида ўтказилган ҳамда химия, нефтни қайта ишлаш, медицина ва микробиология саноатида экология муаммоларига бағишланган матбуот конференцияси қизғин ўтди.

Тошкентдаги Кино уйида журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда СССР химия ва нефтни қайта ишлаш саноати министри **Н. В. Лемаева** қуйидаги кескин савол берилди:

— Сиз экологик эталон сифатида ҳеч бўлмаганда химия индустрияси ривожланган битта шаҳар барпо этилишини ҳозирги замон химияси манфаатларини кўзлаб қилинган энг яхши тарғибот деб биласизми?

— Биз муҳити соф бўлган биргина намунали шаҳар барпо этишга интилмаймиз, — деди министр. — Ҳамма жойда химия корхоналарининг заарли чиқиндиларини қисқартиришга ва уларга бутунлай барҳам беришга эришиш лозим. Бу борада химия фани ва амалиётининг аниқ-пухта ўзаро алоқаси зарур. Мамлакатдаги энг катта химия тармоғининг раҳбари янги объектлар қуриш, эскирган корхоналарни реконструкциялаш, янги самарали, экологик жиҳатдан хавфсиз технологияларни жорий этишга тааллуқли кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтарди.

СССР Халқ таълими давлат комитетининг раиси **Г. А. Ягодин** эколог-мутахассислар тайёрлаш муаммолари ва истиқболлари тўғрисидаги саволга жавоб қайтариб, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юқори малакали экологлар ишлаши зарур бўлган пайт келди, деди. Шу йилнинг ўзидаёқ Қозон давлат университети базасида шундай мутахассислар тайёрлайдиган дастлабки факультет очилди.

— Аммо биз улар қаерда ва қандай лавозимларда ишлашини аниқ белгилаб олишимиз зарур, — деб таъкидлади Г. А. Ягодин. — Кўпгина корхоналарда бундай лавозимлар кўзда тутилмаган ва табиийки, мутахассислар тайёрлашга буюртмалар ҳам берилмаган. Шунинг учун ҳозирча малака ошириш факультетларида ёки баъзи олий ўқув юртларида иккинчи мутахассислик сифатида экологияни билиш асосларини ўқитишни ташкил этишни мақсадга мувофиқ ва зарур деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ хўжалигини химиялаштириш бирлашган илмий кенгаши раиси, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси **Н. Н. Мельников** янги, бирмунча заҳарсиз пестицидлар ишлаб чиқариш, қўлланиш ва яратиш тўғрисидаги долзарб саволга жавоб қайтариб, бутун дунёда ҳосилдорликни оширувчи химиявий воситаларни ишлаб чиқариш ўсиб бораётганлигини айтди. Бу жараённи ўзгартириб бўлмайди, чунки у озиқ-овқат эҳтиёжларини тезроқ қондириш билан боғлиқдир. Бундай воситаларни валютага сотиб олиш қимматга тушади, мамлакатда тегишли корхоналарни ривожлантириш даркор. Бироқ бу нарса экологик вазиятга ҳеч қандай салбий таъсир ўтказмаслиги лозим.

Матбуот конференциясининг қатнашчилари янги, экологик жиҳатдан соф композицион материаллар яратиш ва ишлаб чиқариш, чиқиндисиз технологияларни жорий этиш ва саноат оқава сувларини тозалаш, атмосферани булғанишдан муҳофаза қилишда химия фанининг ролини оширш масалаларини ҳам ўртага қўйдилар.

Л. СТРУННИКОВА,
Б. ҲАСАНОВ,
ЎзТАГ мухбирлари.

КЕСИБ ОЛИНГ ВА ТЎЛДИРИБ ЮБОРИНГ!

ҚУЛАЙЛИКДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Ф. СП-1

Министерство связи СССР «Союзпечать»

АБОНЕМЕНТ на газету 64583 (индекс издания)
"Совет Ўзбекистони"
(наименование издания) Количество комплектов:
на 1989 год по месяцам:
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Куда
(почтовый индекс) (адрес)
Кому
(фамилия, инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА
п. в. — место — литер на газету 64583 (индекс издания)
"Совет Ўзбекистони"
(наименование издания)
Стоимость подписки, переадресовки руб. коп. — руб. коп. Количество комплектов
на 1989 год по месяцам:
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Куда
(почтовый индекс) (адрес)
Кому
(фамилия инициалы)

• ЯНГИ АСАРЛАР

СУСАМБИЛ РИВОЯТЛАРИ

МИНГ МАРЖОН

Йўлдош МУҚИМОВ



Олис тарихимиз давомида яратилиб, асрдан-асрга, йиллардан йилларга ўтиб, оғиздан-оғизга кўчиб келаётган халқ ривоятлари, афсоналари, нақл ва маталлари жуда кўп. Бу ҳикоятлар инсоният маънавияти хазинасининг бебаҳо дурдоналаридир. Аммо, кўп ҳолларда бу халқ ижоди намуналари унутилиб кетмоқда.

Ёзувчи ва публицист Йўлдош Муқимов хайрли ишга қўл урди. Ў турли-туман ривоятлар, афсоналар, нақл ва маталлар асосида янги китоб тайёрлади. Қуйида шу тўпламдан кичик парча ўқийсиз.

Қадимда ўзбеклар узоқ қариндошларини «аваға-чаваға» деб атаганлар. Ана шунга қиёс қилиб, Севара исмига чеваға сўзини қўшиб айтадиган бўлганлар. Ҳикоя қилишларича, Севар чеваға халқ иззат-ҳурматига сазовор бўлган экан. Кечқурунлари ҳовли ёш-қари билан тўлиб кетар, шоира дўмбира-ю чонқовуз чалиб ўлан ва қўшиқ айтар, шеър жирлар экан. Минг афсуски, Севар чеваға хат-саводсиз бўлганлар. Тўқиган шеър ва қўшиқларини ёзиб қолдирмаганлар. Улардан айримлари оилада оғиздан оғизга ўтиб, бизгача ҳам етиб келган. Лекин Севар чеваға айтган юзлаб ва ҳатто минглаб эртаклар ва ривоятлар, ҳикмат ва нақлларни у кишининг келинлари, Холмуҳаммаднинг қаллиғи Нурмомо ўрганиб, ўзлаштириб олганлар.

ЧАМБИЛ ВА СУСАМБИЛ

Онам туғилиб ўсган Тўқиз тепа қишлоғига тез-тез оқинлар, бахшилар, жировлар келиб турарди. Бобом қаздирган катта ҳовуз бўйи одамлар билан лиқ тўлиб кетарди. Биз, болалар, ҳовуз бўйидаги қайрағочларга чиқиб, уларнинг шохларини от қилиб, миниб олардик-да, оқинлар куйлаган достонларни тинглардик.

Ана шу оқин бахшилар орасида Бекмурод жиров хотирамда айниқса яхши сақланиб қолган. У Нурота билан Тўққиз тепа оралиғида янги Бешработ қишлоғида, яқин жойда яшаганлиги учун бўлса керак, бошқа оқинларга нисбатан биз томонга кўпроқ келиб турарди. Бекмурод жиров айтиб берган достонлар, улардаги сеҳрли оҳанглар ва байтлар ҳамон қулоғим остида янграйди:

Чамбил элдан от қочирдим изи йўқ,
Гўрўғлига чой пиширдим тузи йўқ.
Гўрўғлининг ули тугул қизи йўқ...
Номардларнинг сўзи бирла юзи йўқ,
Куюнчоқнинг сени кўрар кўзи йўқ...

Кунлардан бир куни Бекмурод жиров қайтиб кетгандан сўнгра Нурмомодан сўраган эдим:

— Чамбил эли қаёқда, момо, биздан кўп узоқдами?

— Ҳа, узоқда, жудаям узоқда, чироғим. Баланд тоғлар ортида, Алпомишнинг юртида, Бойсун деган йироқ томонда. Бойшин демишлар уни қадим-қадим замонда. Жаннатсимон ўлка бўлган ул. На камбағал бор эди унда, на қул. Мардуд-довюраклар, бою-бадавлатлар савлат тўкиб, яшаган бутқул. Бойшин ҳамроҳу-ёр эди Чамбилга. Ҳамма мафтуну ҳуштор эди гулистон элга.

Шу сабаб бу эл гули Жамбил ном олмиш, оғиздан-оғизга кўчиб-кўчиб, Чамбил бўлиб, ўзгариб қолмиш. Жамбилга эгизак туғилмиш Сусамбил. Сусамбил эмас гули Сумбил. Бири Жамбил эл, бири Сумбил эл. Яхши англаб, чироғим, тушиниб ол, фаҳм қилгин, бил!

Нурмомо ҳаргал Чамбил ва Сусамбил ривоятини айтганларида улар тўғрисида ва яна шу атроф-теваракдаги бир талай шаҳар ва қишлоқлар хусусида қайта-қайта оҳангдор бир қўшиқни айтардилар: Бу қўшиқ саёҳатномага ўхшаб кетарди:

Бундан бордим Чамбил элга,
Минар отин дул-дул элга.
Эгиз экан мадад белга,
Кардош-қадрдонин кўрдим.

Бундан бордим Сумбил элга,
Тоғ, қирлари гулгул элга.
Одамлари булбул элга.
Мулки Туронини кўрдим.

Бундан бордим Маликработ,
Маликработ жуда обод.
Раста тўла қанду новвот,
Мол ётади қават-қават,
Олам карвонини кўрдим.

Бундан бордим Зарметанга,
Сут — қатиғи дармон танга.
Кимхоб, кундал туман танга,
Косиб дўконини кўрдим.

Бундан бордим Зандонига,
Ёр қайнайди қозонига*,
Кўзим тушди дўконига,
Шойининг конини кўрдим.

Бундан бордим Варахшага,
Сандиқ тўла дур, оқчага.
Китоб сиғмас минг токчага,
Илм маконини кўрдим.

Бундан бордим Ғиждувонга,
Ҳикмат битар юз девонга.
Ғазал айтар шашмақомга,
Ҳофизи хушхонин кўрдим.

Бундан бордим Бухорога,
Қойил қолдим минорага,
Дилкушою, дилорага,
Арку-арконини кўрдим.

Бундан бордим Самарқандга,
Жондан ширин, асал, қандга.
Боғишамол, боғбаландга,
Карвон ўтар бўлмай канда.
Одамлари шакар ханда,
Кўрки жаҳонийни кўрдим.

Муҳтарам ўқувчи!

Мен бу ўзига хос, ҳар бир шаҳарга жуда мос «саёҳатнома»ни қисқартмай, бирон-бир байтини қолдирмай эшитганимча, фақат айрим ерларини сал тузатиб, сизга тақдим этаётирман. Худди шунга ўхшаш бир хил вазн ва бир хил оҳанг ила, қофия ва жаранг ила тўқилган ҳажвия ҳам Бухоро ва Ғиждувон аҳли орасида ҳалигача оғиздан оғизга кўчиб юради. Бунда ушбу шаҳарлар ва уларда яшовчиларнинг баъзи бир нуқсонлари ҳақида гап кетади. Бироқ мен юртимизнинг энг қадим қалъаларига хос яхши хислат ва фазилатлар тўғрисида кўйловчи байтларни йиғиб, «Минг маржон» тизмалари қаторига қўшдим. Зеро, улар замирида жуда муҳим маъно ва мазмун ётади. «Саёҳатнома»да зикир қилинган, тилга олинган ва тавсифланган бу жойлар бир вақтлар Буюк Ипак йўлида қад кўтарган ва аксарияти ҳозир ҳам мавжуд. Улар Етти иқлимни каттакон карвон йўли ила бир-бирига бириктирган тўнғич ва қутлуғ қалъалар, муқаддас маконлардир...

Нурмомо айтардилар:

...Неки билибман мен, неки айтибман, бариси, бариси ўша Сусамбилдан, ўша қадим-қадим қутлуғ элдан.

Сизга мен айтган ривоятнақллар, эртагу маталлар асрлар оша, карвонлар ва бўронлар қанотида биз ила сизга етиб келган. Бўйнимдаги маржонлар ҳам ўша Сусамбилдан, чироғларим. Улар менга онамдан мерос. Онамга эса момомдан мерос. Шу зайл улар қўлдан-қўлга ўтиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаверган. Маржонларни бўйнимга тақа туриб, онам қулоғимга шивирлабгина, сеҳрли бир овоз чиқариб, айтган эдилар:

Бу маржонлар, қизим, аслдан асл,
Аср-аср оша, мудом муттасил,
Тақиб келадилар авлоду-насл,
Уларнинг ватани, билгил, Сусамбил!

Ёшлик йиллари субҳидамда ерга тушган қировдек учиб кетдилар, қарилик йиллари келиб етдилар. Келиб етмаганлар, афсус нетдилар? Момомиз ўрнида эртак сўзлармиз ўзимиз, ҳар бир фарзандимиз — қарғомизкўзимиз. Осмон узра ёниб турган тўп юлдузимиз. Бироқ етармикан эртак учун этаклаган сўзимиз. Ҳей, учиб кетган юлдузлар, ҳей, қочиб кетган сиз, сўзлар! Нақллар ва эртаклар, маталлар ва масаллар, марваридлар, маржонлар, паридек учган жонлар! Қайдасиз, айтингизлар, ерга тез қайтингизлар!

...Қанча қайтар билмасмен,
Ва назарга илмасмен,
Бир маржонни,
минг маржон
Бари азиз, жонажон...

ОЛАМ ОСТОНАНГДАН БОШЛАНУР...

Қайсидир бир сайл олдиман: ўнг пойни чапга, чап пойни ўнгга қўйибман.

Бу гал онам қойидилар:

— Нега этигингни пойларини алмаштириб қўйибсан, ўнгини ўнга, сўлини сўлга қўй, — дедилар. — Шошилиб, уйдан чиқсанг нима қиласан?

— Шошганда «лаббай» топилмас, шошмаганлар қоқилмас, — гапга аралашдилар Нурмомо, — кел сенга бир нақл айтиб берайин. Шундан сўнгра йигит киши этигини қандай кийиши кераклигини билиб оларсан.

...Вақти-замонида Сусамбил султони ўғлини ўқиб, таълим олиш учун Луқмони Ҳакимга юборган экан.

Шунда шаҳзода сенга ўхшаб, этигини пойларини алмаштириб, остона олдида қолдирипти-да, ҳужрага кирипти. Луқмони Ҳаким шу қадар зийрак эканларки, «Бор, этигингни тўғри қўй!» дептилар шаҳзодага. Бироқ шаҳзода шундаям фаҳм-фаросати етмаптики, этикни қандай қилиб, тўғри қўймоқ лозим. Фарқ қилмаптики, қайси пойи сўлдур, қайсиси ўнгдур.

Буни кўриб Луқмони Ҳаким, деган эканлар:

— Сизни ўқитмоқдан фойда йўқдур, этикни ўнг пойи қайсию, сўл пойи қайсилигини билолмагон, ўз остонасини саранжом тутолмагон Султон қандай қилиб, элу-юртни идора қилур. Бу эл ағдар-тўнтар, хонавайрон бўлиб кетур, мамлакатга футур етур...

— Шундай, бўталоғим, фақат ўз элу-юртингина эмас, бутун олам остонангдан бошланур. Уйинг бўсағасини босиб ташқарига чиққанингда минг ўйлаб, бир ўлчаб, ўнгу-сўлинг билиб, ўнқир-чўнқирни назарга илиб, қадам қўй.

НЕГА ТОШЛАР ҲАР ХИЛ?

Қизилқумда, нима кўп, қум ила тош кўп. Қум-қуюм-уюм, тўда-тўда уюлиб, бир-бири билан бирга қўшилиб ётипти. Катта-кичигини билиб, ажратиб бўлмайди.

Тошлар-чи? Улар ҳам қуюм-уюм, тўда-тўда. Аммо айрим-айрим. Бири кичик, бири катта. Нега бундай?

Кичиклари бола-чақа, катталари она-оталари бўлса керак-да?

— Шундай, чироқларим, шундай, — тасдиқлар эдилар Нурмомо, — бироқ бунинг бошқа сабаблари ҳам бор: катта тошлар тўқнашиб, бир-бирларини яксон қилиб ташламасликлари учун кичиклари яратилган. Орада тўда-тўда кичик тошлар турса, катталари бир-бирлари билан тўқнашолмайди.

Катта тошлар ҳам жуда керак, чироқларим. Улар кичик тошларни бировлар янчиб, оёқ ости қилмасликлари учун яратилган...

ЙЎЛЛАР КИМНИКИ?

Ҳамма нарсанинг ўз эгаси бор: одатда биз, «Мана бу Аҳмаднинг уйи, ана у Тошматнинг боғи..» деймиз.

Фалончининг оти, пистончининг туяси, деймиз. Карвонларнинг ўз эгаси бор, қўй сурувларининг ўз эгаси бор. Бир-бири билан алмашиб кетмасин, деб, ҳатто қўйларнинг қулоғига тамға урилган. Кимга қарашлигини шундан билиб оласан...

«Йўллар-чи? Йўл кимники? — ўйлардик биз Қизилқум саҳросида бир-бирини кесиб ўтган жуда кўпдан кўп йўлларни кўриб, — Уларни ким чиқарган? Кимнинг ихтиёрида?»

— Йўл юрганники, — тушунтирардилар Нурмомо, — ким юрса, ҳаракатда бўлса, йўл ўшаники. Юрмаганнинг йўли йўқ...

НОТАНТИ ТАБИАТ...

Нурмомо ҳикоя қилардилар:

...Илк баҳор келиб, типратикон қиш уйқусидан уйғониб, вайрона қалъа девори остидаги инидан чиқди, ёғду қидириб, югурди. Қулай жой топиб, ўзини офтобга урди. Ёғдуда бадан тоблаб, ҳузур қилиб, мудрай бошлади. Ўша қалин пахса девор кавагида чаён ҳам истиқомат қиларди. У ҳам қоронғу уясини тарк қилди. Офтобрўйга чиқди. Мудраётган типратиконга кўзи тушди-ю шу топнинг ўзидаёқ думини қайириб, гажак қилиб кўтарди, найзасини қайради, мудроқ жонга заҳар сочмоққа шайланди.

Шу он қаёқдандир илон пишиллаб келиб қолди.

— Эй, оғайни, эҳтиёт бўл! — огоҳлантирди чаён.

— Кўраяпсанми, типратикон пойлаб турибди. Елғондан кўз юмиб ўтирибди, маккор!

Илон ўз қушандасини кўриб, турган жойида тақа қотди. Бир пасдан сўнг орқага тисралиб қочмоқчи эди, уни чаён тўхтатди:

— Қўрқма, мен бор!

— Биттагина найзанг ила «Мен бор» дейсан-а? Шунча ботирсан! — титраб-қақшаб, тутила-тутила эътироз билдирди илон. — Мендаям битта найза бор, холос. Уям тилим учида, сеники эса думинг учида. Кўрмаяпсанми, унинг бутун бадани найза билан қопланган.

— Шунисига куяман-да, оғайни, — ачиниб жавоб берди чаён, — шуниси алам қилади-да. Ҳаммаёғи ўткир найза-ю, заҳар сочишни билмайди. Эсизгина найзалар. Эсизгина тиконлар!

— Нотанти табиат деб шуни айтади-да, — тўнғиллади илон. — Ишлатганга эмас, ишлатмаганга беради. Биласанми, шунча найзамиз бўлсаси, буткул одамзотни тиз чўктирардик. Буткул оламни бўйсундирардик ўзимизга...

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

1989—1990 ўқув йили учун

ҚЕЧКИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта мактабни тугатган, 34 ёшдан ошмаган камида 2 йил меҳнат стажига эга бўлган халқ хўжалигининг ҳамма соҳасида ишловчи ишчилар, шунингдек Совет Армияси сафидан қайтган ёшлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун тавсиянома — йўлланма икки йилдан кам бўлмаган иш стажига эга шахсларгагина берилади. Ишчи вазифасидаги амалий иш стажи шу корхонада охирги 2 йили узлуксиз бўлмоғи лозим (шогирд сифатидаги иш стажи тайёрлов бўлимига қабул қилишда ҳисобга олинмайди). Ўқиш учун йўлланма олган колхозчилар ҳар бир йил учун шу колхознинг минимум меҳнат кунига эга бўлишлари зарур.

Тайёрлов бўлими қуйидаги факультетлар бўйича тингловчилар қабул қилади: математика, амалий математика, физика, география (қуруқлик гидрологияси), химия, биология, тупроқшунослик ва агрохимия, ҳуқуқшунослик, ўзбек тили ва адабиёти, сиёсий иқтисод, фалсафа, психология, тарих ва журналистика.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: университет ректори номига ариза, иш жойидан (ҳарбий қисмдан) йўлланма, ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий қисмдан) характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ташкилот раҳбари тасдиқлаган), медицина справкаси 086/У форма), 8 дона фотосурат (3х4 см).

Аризалар 25 сентябргача қабул қилинади.

Суҳбат (танланган ихтисосга қараб) **2 ёки 3 фандан 20 сентябрдан ўтказилади. Тингловчилар мандат комиссиясидан 30 сентябрдан ўтказилади.**

Тайёрлов бўлимини тугатган ва битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган шахслар университетнинг I курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Машғулотлар 1 октябрдан бошланади.

Ўқиш муддати 10 ой.

Паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси, комсомол ва касаба союз билетлари шахсан кўрсатилади.

Бизнинг адрес: 70095, Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, биология факультети биноси, 1-қават, 105-хона.

ЙЎЛДОШ ОҲУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА **ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА**

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Профессорлар: меҳнат муҳофазаси, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш;

доцентлар: пахтага дастлабки ишлов бериш, чарм маҳсулотлари технологияси, сиёсий иқтисод (ўзбек тилида);

катта ўқитувчилар: илмий коммунизм (ўзбек тилида), совет ҳуқуқи (ўзбек тилида), жисмоний тарбия ва спорт;

ассистентлар: пахтага дастлабки ишлов бериш, чарм маҳсулотлари технологияси (3), фалсафа, сиёсий иқтисод (ўзбек тилида), илмий коммунизм (ўзбек тилида), тўқимачилик саноати экономикаси ва уни ташкил этиш, енгил саноат экономикаси ва уни ташкил этиш, пахтага дастлабки ишлов бериш экономикаси ва уни ташкил этиш, материаллар қаршилиги, машиналарнинг деталлари, полиграфия ишлаб чиқариши технологияси, физкультура ва спорт (3), расм ва махсус композицияларнинг асослари.

НАМАНГАН ФИЛИАЛИ БЎЙИЧА

доцентлар: механизм ва машиналар назарияси, олий математика, машинасозлик технологияси;

катта ўқитувчилар: олий математика.

Конкурс муддати — 23 сентябргача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700100, Тошкент шаҳри, Горбуноч кўчаси, 5-уй, кадрлар бўлими.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОССТРОЙИ «ТАШОБЛСТРОЙ» территориал-қурилиш бирлашмасининг

«АЛМАЛИКСВИНЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИ

дурадгорлар, бетончилар, арматурачилар, сувоқчи-бўёқчилар, газ электр пайвандчилар, электр пайвандчилар, йиғма темир-бетон конструкциялари монтажи бўйича монтажчиларни

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ҚУРИЛИШИГА

(ЎзССР, Тошкент области, Олмалиқ шаҳри)

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

МЕҲНАТГА — ИШБАЙ-МУКОФОТ ТАРИҚАСИДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИ.

Елғиз кишиларга ётоқхонадан жой, навбатга туриш тартибида амалдаги низомга мувофиқ уй-жой берилади. Иш жойида мактабгача болалар муассасалари — болалар боғча-яслилари мавжуд. Ўқув-пунктида қурилиш касбларидан бирини эгаллаб чиқиши мумкин. Шаҳарда Тошкент политехника институтининг филиали, медицина профилакторийси ва 400 ўринли пионер лагери мавжуд. Путёвкалар билан мамлакатимизнинг марказий дам олиш уйлари ва курортларда дам олиш имкониятлари мавжуд.

Ўзингизни қизиқтирган саволлар билан қуйидаги адресга мурожаат қилинг: 702400, Тошкент области, Олмалиқ шаҳри, Комсомол кўчаси, 6 уй, кадрлар бўлими. Телефон — 5-22-14, 96-4-28, 9-64-23.

Ахборот

СИРДАРЁ

Уй бекалари мамнун

Гулистондаги область зонал кутубхонасига қатновчи уй бекалари учун яратилаётган қулайликлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Яқинда ташкил этилган жадал ўқишни ўргатиш курси ҳам айнан аёллар учун кўзда тутилган, деса бўлади. Пулли курсни тамомлаган кишилар кундалик нашрлар оқимини ўқиб-ўлгуриш, зарур қўлланмалар, конспектларни тез ўзлаштиришни ўрганадилар. Шуниси диққатга сазоворки, уй бекалари машғулотлар билан банд пайтларда, уларнинг рўзғор юмушларини кутубхона ўз зиммасига олади. Кир ювиш, дазмол босиш, ҳатто бозор-ўчар юмушлари учун кутубхонага буюртма бериш мумкин.

ЭҲМ кўзни даволайди

Аниқроғи область кўз касалликлари шифохонасида электрон ҳисоблаш машинаси беморга диагноз қўйиб, унга қандай ёрдам кўрсатиш лозимлигини «айтиб» беради.

Ҳозир ЭҲМдан глаукома касалликларини даволаш бўйича 7 хил программада фойдаланиляпти. Машина шунингдек, касалликларни олдиндан айтиб беришдаги ҳисоб-китобларни пухта амалга оширади. Демак, даволаш жараёнини кескин қисқаради. Бош врач Ваҳоб Очиловнинг таъкидлашича, яқин келажакда ЭҲМдан янги соҳа — иридо диагностикада кенг фойдаланиш йўлга қўйилади. Яъни кўзнинг рангдор пардасидаги ўзгаришлар асосида тананинг қайси ерида қандай касаллик борлиги ёки бошланиши мумкинлиги ҳақидаги ахборотни аниқлаш мумкин бўлади.

Б. САТТОРОВ.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

«Кино ва шахснинг маънавий камоли»

Киношунос Муҳсин Алиевнинг мазкур китоби шу кунниинг долзарб масалаларидан бири — шахснинг маънавий бойлигини юксалтиришда кино санъатининг тутган ўрнига бағишланган. Гап шу ҳақда борар экан, автор асосий эътиборни ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга, унинг фикр доирасини кенгайтиришга, СССР халқлари дўстлигини мустаҳкамлашда ўзбек кино санъатининг тутган ўрнига, мазкур санъатнинг шу борада қўшаётган ҳиссасига, шунингдек, бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган айрим масалаларга қаратади.

Бугунги кунда кўп миллатли совет кинематографиясининг иш тажрибалари, халқ билан алоқаси шуни кўрсатадики, мамлакатимизда ишчи, деҳқон ва зиёлилар қуруқ олди-қочди томошани ёқтирмайди. Зотан, улар залворли, бадиий жиҳатдан юксак, ҳақиқий санъатга эга бўлишга ҳақлидирлар.

Одамларда талабчанлик тобора ошяпти, саноат корхоналарида ҳам, кундалик турмушда ҳам, маданий эҳтиёжда ҳам кечагина кишиларни қондириб келаётган нарсалар бугун уларни қондиролмаяпти. Фильмлар ҳам худди шундай: яқиндагина томошабинларимиз саргузашт, қўшиқ ва рақсларга бой фильмларни яхши кўришарди. Эндиликда эса буларнинг ўзи камлик қиляпти. Фильмлар қалб ва ақлга озуқа бериши керак бўлиб қолди. Зеро, бугунги томошабин ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак санъатга муҳтож.

М. Алиев кинематографчиларни яратилаётган картиналарнинг ғоявий савиясини оширишга, ҳар жиҳатдан баркамол фильмларни халқ орасида кенг ёйишга чорлайди.

Малик ҚАЮМОВ,
СССР халқ артисти.

Муҳаррир Ў. УСМОНОВ.

3-БЕТГА ҚАРАЛСИН!

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Союзпечать» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлинмаларида расмийлаштирилганда эса календарь штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини снёҳли ручкаларда, хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг!

Обуначи ўз турар жой адреси, исм ва фамилиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли чақмоқларни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликлари ходимлари тўлғазади.

30 СЕНТЯБРДА 1990 йил учун

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА

ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎХТИЛАДИ

Кимда-ким сентябрдан сўнг 1990 йил учун газета ва журналларга обунани расмийлаштирадиган бўлса, у ҳолда обуначилар газета ва журналларни февраль ойидан бошлаб оладилар.

Обуна алоқа бўлимларида, «Союзпечать» агентликларида, иш ва ўқиш жойидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан ҳамда турар жой бўйича почтальонлар орқали қабул қилинади.

«СОЮЗПЕЧАТЬ» Республика агентлиги.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари институт директорининг илмий ишлар бўйича собиқ муовини Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги республика давлат мукофотининг лауреати, физика-математика фанлари доктори, профессор

Вафо Арабович МУМИНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат университети ректорати, жамоат ташкилотлари ва юридик факультети коллективи Давлат ҳуқуқи ва совет қурилиши кафедраси ўқитувчиси Ш. З. Рустамовга отаси

Зокир Исаевич РУСТАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р. — 04445. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Б. — 212. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12